

# VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш  
учун QR-коднинг  
сканер қилинг.

2020 йил 30 июль, № 31 (2886)



## Тўсиқлар ортида қолди

6-7

**4-бетда**

«АРТИЛЛЕРИЯ  
ОЛОВИ УСТАСИ»

**5-бетда**

РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИК  
СИНОВИ

● Давлатимиз раҳбари 27 июль куни Тошкент шаҳрида коронавирус пандемиясига қарши курашиш, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини, аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш қамровини ошириш бўйича олиб борилаётган сатъ-ҳаракатлар ҳисоботини тинглади.

Хусусан, пойтахтимизда қисқа вақтда кенг кўламли ташкилий ишлар амалга оширилди.

Юнусобод туманидаги «Ўзэкспомарказ» павильонида, гимнастика саройида, «Ёшлик» спорт мажмуаси ва бошқа биноларда коронавирусга гумон қилинганларга ташхис қўйиш, заруратга кўра даволаш учун шароит яратилмоқда. Касалликка чалинганлар ва айти кунларда пневмониядан азият чекаётганларга амалий ёрдам тариқасида 10 та махсус поликлиника ташкил этилди.

● Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни ҳудудларда коронавирус билан боғлиқ мураккаб вазиятни тартибга солиш бўйича кўрилатган чоралар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Республика махсус комиссиясига жойлардаги эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва касалларни даволашга амалий ёрдам берадиган гуруҳлар тузиб, ҳар бир ҳудудга юбориш бўйича кўрсатма берилди. Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар ва сектор раҳбарлари қатнашганидан фойдаланиб, экспорт ва инвестиция масалалари, бюджет тушумлари прогнозининг бажарилиши, ғўза парвариши ва экинларни суғориш ишларининг бориши кўриб чиқилди. Булар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

### ЎЗБЕКISTON



**9** САҲРО БУЛБУЛИ

**12** ШАЙБОНИЙЛАР  
ДАВРИДА  
ҲАРБИЙ ИШ

**17** ТЕСТ СИНОВЛАРИ:  
МУТАХАССИС  
НИМА ДЕЙДИ?

**22** КАСАЛЛИКЛАР  
НЕГА  
ЁШАРЯПТИ?

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА

Мамлакатимизда барча бўғиндаги ҳарбийларнинг юқори профессионал қобилияти ва билимини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган мукамал кадрлар тайёрлаш тизими яратилган.



# ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАР миллий армиямиз таянчи

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофаа факультетининг оператив-стратегик бўғиндаги офицерларни тайёрлаш курси битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари бериш маросими бўлиб ўтди. Тантана карантин қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда юқори савияда ташкил этилди.

Ушбу ўқув курсини битирган нафақат Мудофаа вазирлиги, балки Қуролли Кучлар тизимидаги бошқа вазирлик ва идораларнинг офицерлари ҳам мамлакатимизнинг стратегик масалалари бўлган давлатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, қўшинларни қўллаш стратегиясини янада такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда жанговар операцияларни олиб бориш бўйича зарур билим ва амалий кўникмаларга эга бўлдилар.

Тантанали маросим аввалида саҳнага академия жанговар байроғи олиб чиқилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Шундан сўнг мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Хамдам Каршиев сўзга чиқиб, битирувчи офицерлар олдида турган жиддий ва ўта масъулиятли бўлмиш Қуролли Кучларимизни янада ривожлантириш ва мамлакатимиз хавфсизлигини кучайтириш масаласини яна бир бор эслатиб ўтди.

– Бугун дунёда турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, террористик ва бошқа таҳдидлар сони кун сайин ортиб бормоқда, – дейди курс битирувчиси подполковник Умид Маҳмудов. – Икки йил давомида бизга мазкур даргоҳнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилари Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, но-стандарт шартларда тезкорлик билан тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини замона-



вий методлар ёрдамида ўргатишди. Албатта, бу ишонччи она Ватанимиз тинчлиги ва унинг равнақи йўлида мардонавор хизмат қилиш билан оқлаймиз.

Дарҳақиқат, миллий армиямизни профессионал билим ва малакаси, ақлий салоҳияти, рухий тайёргарлиги юқори бўлган, ватанпарварлик фазилатларини ўзида мужассам этган офицерлар билан бутлаш ўта муҳим вазифа.

Маросим давомида курс битирувчи офицерларига мудофаа вазирининг буйруғи ва улар тайинланган ўта масъулиятли ва жиддий лавозимлар ўқиб эшиттирилди. Шундан сўнг офицерларга магистр дипломи ва кўкрак нишонлари топширилди.

Тадбирда таъкидланганидек, битирувчи

офицерлар ўзларининг профессионал даражасини мунтазам ошириб бориб, стратегик масалаларни чуқур таҳлил қилиш ва ижодий фикрлаш қобилиятини янада ривожлантирган ҳолда халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлайди.

Сўз олганлар курс битирувчилари орасидан истиқболда чуқур таҳлилий ва таъсирчан қобилияти билан Қуролли Кучларимиз салоҳиятига салмоқли ҳисса қўшадиган кўмондонлар, генераллар, стратегик даражадаги раҳбар кадрлар етишиб чиқишига ишонч билдирди.

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Исломжон ҚҶЧҚОРОВ**



## БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

## «ОДАМЗОТНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ»

«Мана, бир неча ойдирки, аҳоли кўзга кўринмас ёв билан курашиш, ундан ҳимояланиш пайида. Ўз-ўзини қутқариш ҳам жасорат, ҳам улкан ютуққа айланди. Шундай шароитда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар жонларини гаровга қўйиб, бу хавфни даф қилиш, йироқлаштириш сазй-ҳаракатида. Барча бозор ва савдо мажмуаларида, одамлар йиғиладиган ҳудудларда дезинфекция тадбирларини олиб бораётган, уларга бош-қош бўлаётганлардан бири Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби радиацион кимёвий-биологик муҳофаза қўшинлари бўлими бошлигининг ўринбосари подполковник Рафаэль Аҳмедовдир.

У оиласи бағридан узокда хизмат вази фасини бажариш, муқаддас бурчини адо этиш ҳаракатида юрибди. Турли-туман вазиятларга дуч келар экан, ота-онаси ва яқинлари, фарзандлари кўз олдида ўтади. Улар ҳам оила таянчидан хавотир олар, аммо сездирмайди. Уч нафар фарзанди йўлига кўз тиккан. Ақиси кичик сержант Закир Аҳмедов ҳам кунда, кунаро ҳол-аҳвол сўраб, кўнғироқ қилади. Хоразмдаги қариндош-уруғларнинг маслаҳат сўрагани, тавсия берганларнинг саноғи йўқ.

Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг матонат, билим ва салоҳияти, профессионал маҳоратини

намоён этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борсидаги алоҳида хизматлари, шунингдек ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги улкан жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ юрдошларимиз қаторида подполковник Рафаэль Аҳмедов ҳам «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Бу хабар дилларга бекиёс қувонч бағишлаб, юқоридагидек дилхира кечинмаларни тарқатиб юборди. Қаҳрамонимиз эса хурсандчилигини ифодалаш мушкуллигини, росмана шодиёна пандемия ташвишлари ариганидан сўнг бўлишини, давлат мукофоти масъулиятини янада оширганини айтди.

– Пандемияни даф қилиш бир-иккита ташкилот ёки вазириликнинггина вазифаси эмаслигини, уддасидан ҳам чиқолмаслигини ҳар бир юрдошимиз



тушуниб етиши керак. Кўча-кўйда, дейлик, тиббий ниқоб тақмаган ёки иягига кўндириб олган кимсани кўрса, танбех бериш керак. Бу менинг яқиним ёки қариндошим эмас-ку,

деган фикрни мутлақо унутиш лозим. Ҳозир одамзотнинг бегонаси йўқ, – дейди у. – Яна бир ҳақиқатни айтиш зарурки, инсоният бу каби биологик хатарлардан бутунлай холи бўлиши мушкул. Шунинг учун ҳамisha гигиена қоидаларига риоя қилиш, жисмоний фаоллик, тўғри овқатланиш, уйку меъёрига амал қилиш шарт.

Ҳа, инсоният одамларни миллатларга ажратмайдиган фурсат етиб келди. Барчанинг ҳадиғи, хавотири битта. Шу кунларда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлаётганидек: тушуниш вақти келди, дунёда Ер сайёрасида яшовчилар бор, холос.

Инсоният қанчалар тараққиётга юз турса, бемисл кашфиётлар қилса, коинотни забт этиш ҳаракатида бўлса, башарият бошига тушаётган синовлар ҳам шунга монанд тусланиб, ўзгариб, ўсиб бораёпти. Бир маҳаллар ҳозир оддий давоси бор касалликларга шифо топилмай, қанчалаб одамлар қирилиб кетгани тарихий ҳақиқат. Шу кунларда эса коронавирус балоси жаҳон аҳлининг ақлини лол, аҳволини танг қилмоқда. Ўзга сайёраларга қадам ранжида қилаётган одам боласи ўзининг ичига кириб олиб, умрини битираётган вирусдан беҳабар қолмоқда.

Подполковник Рафаэль Аҳмедов билан қисқа сўхбатлашиб, бироздан сўнг радиодан ҳам тўғридан-тўғри эфир учун кўнғироқ қилишларини айтди.

– Куним интервью бериш билан ўтиб кетади-ку, қанча ишларим бор, – дейди у.

Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг!

Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»

«Тождор вирусга қарши жанг майдонида мардона курашаётган, инфекция ўчоғида ишлаётган шифокору ҳарбийлар меҳнати таҳсинга лойиқ. Ҳамма ўз соғлиғи ҳақида қайғураётган бир пайтда элимиз саломатлигини асраш йўлида кунни тунга улаётган фидойиларимиз юртга, касбига садоқат билан хизмат қилмоқда. Бу жараёнда тиббиёт ходимларини керакли манзилга элтиш, уларнинг ёнида туриб, халқимизга астойдил қўмак беришда ҳайдовчиларнинг ҳиссаси кам бўлаётгани йўқ.

Тиббий хизмат кўрсатиш, таъминот ёки дезинфекция ишларида, албатта, транспорт воситасига эҳтиёж туғилади. Кичик сержант Абдулазиз Бўтабоев Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмда кимёгар-ҳайдовчи сифатида хизмат ўтамоқда. Юртимизда карантин эълон қилинганидан бери тўрт ойдирки, у ҳам тиним билгани йўқ. Иш кўп, вақт тизгиз. У билан «икки оғиз» сўхбатлашиб (*сабабини охирида ўқийсиз*) ва суратга туширишни йўл-йўлакай амалга оширдик. Чунки ортага чекинмаётган вирус тарқалишининг олдини олишда ҳар дақиқа ғанимат.

Саҳар соат беш. Абдулазиз дезинфекцияга чиқиш учун «APC-14» русумли «Зил» автомобили ва йўл варақаларини шай ҳолатга келтиради. Бу автомобиль заҳарли, радиофаол моддаларни деказация, дезактивация, яъни зарарлантириш, дезинфекция қилишга мўлжалланган махсус машина ҳисобланади. Унинг ишичи ҳажми 2 500 литр сув сифимиға эга. Шунча сув олиб келинганидан сўнг мутахассислар унга гипохлорид натрий ва гипохлорид кальцийнинг дозасини ўлчаб, дезинфекция учун белгиланган миқдорда аралашма тайёрлайди. Тажрибали ҳайдовчи ёнилғи, сувни кўздан кечиргач, отряд таркибида манзилга – ўзларига бириктирилган пойтахт туманига отланади. Бу ҳудуддаги деҳқон бозорлари, савдо мажмуалари, маҳаллалар, кўп қаватли уйлар, кўчалар ва бошқа жамоат объ-

## ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!



ектларида қилинаётган дезинфекция тадбирлари вирус тарқалишига оз бўлса-да, чек қўяди.

– Машинадаги сув катта қатнов йўлларига пуркаб сепилгани учун ўртача 500 – 600 метр квадрат жойни дезинфекция қилиши мумкин, – дейди кичик сержант А. Бўтабоев. – Аммо бозор расталари каби машина кира олмайди объектлар 40 метрли шланг билан дезинфекция қилинганда, ундаги сув кўпроқ жойга етади. Бу жараён кундалик иш тартибимизга айланиб улгурган.

Кичик сержант Абдулазиз Бўтабоевнинг Ватан

ҳимоячисидек шарафли касбни танлашида акаларининг алоҳида ўрни бор. Айни пайтда унинг бир ақиси ҳарбийлик касбидан нафақага чиққан. 1978 йилнинг августида Ёзёнов туманида туғилган қаҳрамонимиз ҳам бу касбни танлаб, кам бўлгани йўқ. Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, у 2011 йили пойтахт вилоятдан икки хонали уй соҳиби бўлди.

Энди сўхбатимизга сабаб бўлган хушxabар ҳақида тўхталсам. Президентимиз фармониға мувофиқ, коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган юрдошларимиздан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида қаҳрамонимиз ҳам бор.

– Давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида борлигини эшитганимда тунги соат 12 эди. Қувончимни сўз билан ифодалаш қийин, – дейди «Шухрат» медали соҳиби кичик сержант Абдулазиз Бўтабоев. – Бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган давлатимизнинг юксак эътибори, элнинг дуоси ғайратимга янада шижоат қўшади.

Ҳозирги синовли кунларда матонат ва жафокашлик билан ишлаётган саломатлигимиз посбонлари, юрт ҳимоячиларига осон бўлмаётгани барчамизга аён. Айни пайтда кимёгар-ҳайдовчи хатар ўчоғида юргани боис, яқинлари дийдорини кўзи қиймай, турмуш ўртоғи ва уч фарзандини ота уйига, Фарғонага юборган. Жигаргўшалари билан фақат кўнғироқлашиши мумкин. Тўғри, оиласи олисда, аммо саломатлик ҳаммасидан муҳимлигини тўғри англайди. Ўзининг кўп вақти улловда ўтгани учун унга йўл беҳатарлигини тилаймиз.

**P.S. Мукофот соҳибини биз ҳам чин дилдан табриқлаб, хайрлашдик. Албатта, карантин қоидаларига амал қилиб, масофани сақлаган ҳолда.**

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

## «АРМИ – 2020» ОЛДИДАН

«Юртимиз ўғлонлари жорий йилда ўтказиладиган Халқаро армия ўйинларининг «Артиллерия олови устаси» йўналиши бўйича ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқда. Тошкент ҳарбий округининг «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида олиб борилаётган машғулотларда ҳарбий хизматчилар билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаб, касбий маҳоратини синовдан ўтказяпти.

Мазкур мусобақа уч босқич – якка тартибдаги пойга, тунги спринт ва эстафета синовларини ўз ичига олади. Ҳар бир босқичда ҳарбий хизматчилар мураккаб топшириқларни бажаради.

Дастлаб юрт ўғлонлари узунлиги икки километр айланани икки маротаба босиб ўтди. Бунда зирҳли машина экипажи ҳаракат давомида илон изи йўли, минали ҳудуд ва бошқа мураккаб тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, 300-350 метр масофада жойлашган нишонларни пулемёт ёрдамида яқсон этди. Шундан сўнг йигитлар белгиланган жойга етиб келиб, миномётдан жанговар вазифани бажаришга киришди. Ҳарбий хизматчилар зудлик билан миномётни жанговар ҳолатга келтириб, мўлжалга олди.

Нишон яқсон этилгач, жамоа зирҳли машина ёрдамида биринчи босқичнинг охирига айланасини босиб ўтиш чоғида ҳисобнинг ўқотар қуроллари таркиби ўзгартирилади. Яъни ҳарбий хизматчилар берилган нишонларни ўқотар ҳамда гуруҳ қуроллари орқали



# «АРТИЛЛЕРИЯ ОЛОВИ УСТАСИ»

## Тайёргарлик қизғин паллада



яқсон қилади. Юрт ўғлонлари белгиланган қуроллардан моҳирона фойдалана олмаса, мўлжалга тегмаган ҳар бир нишон учун бир жарима бали ёзилади. Бу жараёнда кўзланган мақсадга етишиш учун ҳарбий хизматчилар-

дан янада аниқлик, тезкорлик ва чаққонлик талаб этилади.

Биринчи босқичнинг барча топшириқларини муваффақиятли бажарган йигитлар тунги спринт босқичини адо этишга киришди. Бу

босқичда Ватан посбонларининг тезкорлиги, зирҳли машинани бошқариш, нишонларни беҳато мўлжалга олиш маҳорати синовдан ўтади. Йигитлар зирҳли машина билан биринчи айланада барча тўсиқларни ортда қолдириб, ўт очиш жойига етиб келгач, миномёт орқали жанговар вазифани бажаради. Сўнгра улар ўқотар ҳамда гуруҳ қуроллари билан белгиланган нишонларни йўқ қилади. Шу билан иккинчи босқич якунига етади.

Ҳар қандай топшириқни бажаришда жамоа аъзоларидан, жипслик, тезкорлик ва аниқ ҳаракатланиш талаб этилди. Бу эстафета босқичида ҳам яққол намоён бўлди.

Айтиш керакки, «АрМИ – 2020» халқаро мусобақасининг «Артиллерия олови устаси» йўналиши бўйича учта миномёт ҳисоби тайёргарлик кўрмоқда. Эътиборлиси, жамоа таркибининг аксарияти янги танлаб олинганлар. Аниқ мақсадлар сари тинимсиз тайёргарлик кўраётган ҳарбийларимизга олдинда турган халқаро мусобақада зафар ёр бўлишини тилаб қоламиз.



Лейтенант Шоҳруҳ САИДОВ

■ **КУЧ, БИЛИМ ВА МАҲОРАТ МУЖАССАМ** ■

“ Каттақўрғон шаҳридаги ҳарбий қисмда жорий ўқув йили «Жанговар взвод йили» деб номлангани муносабати билан ахлоқий-руҳий тайёргарлик бўйича «Руҳий чидамлик» кўрик-танлови ўтказилди.

Шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлик жараёнида ахлоқий-руҳий ҳамда ҳар қандай шароитда қийин машқ ва вазифаларни мохирона бажаришни таъминлашга қаратилган мазкур танлов ўнта синов асосида ташкил этилди.

Кўрқувни енгиш шартида иштирокчилар атрофи ёпиқ ковакнинг ичидан, сўнг муҳандислик тўсиқларидан ўтдилар. Юрт посбонлари бир метрлик тўсиқдан сакраш, арқонга осилиб тепага чиқиш ва сирпаниб тушишда ҳам бир-бирдан ортда қолмади. Икки метрлик йўлак ва девордан

# РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИК СИНОВИ

Охирги босқичда «КАМАЗ»-4310 машинасининг шиналарини айлантирган ҳолда, белгиланган манзилга етиб келди. Ҳар бир шартни ҳакамлар ҳайъати ҳолисона баҳолаб борди. Ушбу танлов пандемия даврида ўрнатилган карантин қоидалари ҳамда хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда ўтказилди.

– Юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш бўйича жанговар вазифаларни муваффақиятли бажариш ҳарбий хизматчилар ахлоқий ва руҳий имкониятларининг тўғри сафарбар этилишига боғлиқдир, – дейди подполковник Дониёр Жамолов. – Батарея командирлари фаолиятида айна сифат ҳарбий хизматчининг онги, иродаси ва хулқи билан бирга, шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини



сакраш, лабиринт айланадан ўтиш шarti ҳам мурасасиз ва қизгин кечди. Ҳар бир иштирокчи зўриқиш йўлагидан ўтиб, белгиланган жойга етиб борганида, маркер ёрдамида доскага Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий хизматчилар ўқиши учун белгиланган 35 та китобдан биттасининг муаллифи ва номини ёзди.



барқарорлаштиришни тақозо этади. Бу ҳарбий хизматчининг юқори қўмондонлик томонидан берилган жанговар топшириқларни тўғри англаш, юзага келган вазиятнинг мураккаб шароитларини мардонавор енгиб ўтиш, ҳарбий-касбий қобилиятни тўлақонли намоён қилишда ёрдам беради. Қолаверса, жисмоний ва ҳиссий таъсирларга бардош бериш, ўзининг хулқи ва ахлоқий-руҳий ҳолатини талабларга мос равишда бошқариш, хавф-хатарларга қарши тура олиш кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Танлов якунида ғолибликни қўлга киритган батарея шахсий таркиби қисм қўмондонлигининг диплом, кўчма кубок ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**  
«Vatanparvar»



Бугунги пандемия шароитида ҳарбий хизматчилар кўринмас душманга қарши кенг масштабдаги курашларда ўзларининг фаол ва жонкуяр эканликларини кўрсатишмоқда. Шу билан бирга республикамизнинг турли ҳудудларида хизмат фаолиятини олиб бораётган Ватан ўғлонлари бир зум бўлмасин жанговар тайёргарлик машғулотларини тўхтатгани йўқ.

# ТҮСИҚЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

## Тажриба орттирилди

Марказий ҳарбий округнинг Жиззах гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари бир неча кун давомида мураккаб мажмуавий назорат машқларини бажаришди.

Машғулот даставвал жанговар техника ва автоуловлар ҳаракатланиши учун ноқулай бўлган тоғли ҳудудлардан белгиланган манзилгача марш юриш билан бошланди. Марш давомида реал жанговар вазиятга тенглаштирилган турли

тўсиқлар совуққонлик ва ишонч билан енгиб ўтилди. Жумладан, оқава сув ҳавзаларидан безарар, турли шакл ва оғирликдаги юкларни олиб ўтиш машқлари бажарилди. Бунда яққалик ва жамоавий ҳаракат олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг ҳарбий хизматчилар мушаклар ва матонатни тоблайдиган, ўзига бўлган ишончни орттиришга хизмат қиладиган, бир-биридан мураккаб жисмо-





ний машқларни бажарди. Албатта, бунда командирлар тажрибаси ва кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бажарилаётган ҳар бир вазифа улар томонидан мунтазам кузатиб борилди.

Машғулот давомида юрт ўғлонларига юклатилган вазифа аъло даражада адо этилди, тўсиқлар ортда қолди. Лекин у берган навбатдаги кўникма ва тажриба йигитлар билан бирга.

**Ислонжон ҚҶЧҚОРОВ,  
«Vatanparvar»**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ВАТАН ДАРДИ БИЛАН ЁНГАН МИЛЛАТМИЗ



## ТЕМУР МАЛИК

Туронзаминда Ватан озодлиги йўлида босқинчиларга қарши қанчадан-қанча жангу жадаллар бўлиб ўтган. Душманларга қарши олиб борилган ҳар бир жанг ўз баҳодирлари, қаҳрамонларини кашф этган. Бироқ уларнинг саноклиларигина тарих саҳифаларидан жой олган, номи мангуликка муҳрланган. Мана шундай халқ қаҳрамонларидан бири Темур Малиқдир.

У Жалолиддин Мангубердининг яқин сафдоши бўлиб, мўғул истило-сига қарши кураш олиб борган ўтюррак саркарда сифатида эътироф топган. Айниқса, 1220 йилнинг апрель ойида Хўжанд шаҳрини босқинчилардан асраш йўлидаги кураши, шаҳар яқинида Сирдарё ўртасидаги оролга қурдирган қалъада олиб борган жанги, ўзига хос кураш тактикаси душманларни лол қолдирган.

Темур Маликка атаб ёзилган бадий асарлардан бирида бу жанг куйидагича таърифланади: «Хўжанд вилоятининг ҳоқими Темур Малик дарё ўртасидаги қалъани мустаҳкамлаб, мўғуллар билан жанг қилишга жазм этди. Сирдарё ажойиб бир манзара касб этган, қирғоққа тўпланган кишиларни сон-саноксиз қайиқлар ва кемалар оролга ташимокда. Кетмон, бел, арра, андава, теша, болта ушлаган кишилар сабрсизлик билан ўз навбатларини кутмоқда эдилар. Қалъа тепасида юзларча одам девор ва буржларнинг шикаст ерини тўзатмоқда...»

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас йигирма минг кишилик мўғул қўшини Хўжандга етиб келди. Шаҳар бўсағасида Хўжанд мерганлари ва аскарлар мўғуллар билан жанг қилдилар. Сўнг шаҳарга чекиниб, томлардан, дарчалардан душман устига ўқ ёғдириб турдилар ва шу билан Темур Малик аскарларининг оролга батамон ўтиб олишларига ёрдам бердилар. Темур Маликнинг мақсади оролда туриб, душманга ўқтин-ўқтин ҳужум қилиш ва йигирма мингкилик мўғул қўшинини узоқ вақтгача шу ерда тутиб туриб, Хоразмшоҳдан мадад келганидан кейин уларни тормор қилиш эди.

Мўғуллар қаттиқ жангдан сўнг шаҳарни ишғол қилдилар, бироқ дарё ўртасидаги истеҳком кўкрак кериб, уларни жангга чорлаб турарди. Манжанақлардан отилган тош ҳам, ўқ ҳам қирғоқдан узоқда бўлган қўрғонга шикаст етказолмасди. Аммо банд қўрғон тепасидан туриб, қозонлардан шиддат билан отилган қомалоқ тошлар мўғулларга кўп талафот етказди. Қўрғон ҳимоячилари душманнинг дарё лабига келиб қозон қуришга ва катта ўқ-ёйлардан ўқ отишга имкон бермадилар...»

Тадбиркор саркарда минг кишилик қўшини билан мўғулларнинг 20 минг сонли лашкарига қарши тура олади. У душман билан нафақат қалъа ичида туриб курашади, балки махсус кемалар орқали босқинчиларга яқин бориб талафотлар келтиради. Яъни Темур Малик усти намат ва сиркали лой билан сувалган, ўқ отиш учун дарчалар қилинган кемалар ясатади. Ҳар куни тонг саҳарда икки томон қирғоққа олтидан кема сузиб келиб, ёвга қирғин келтиради.

Мўғуллар оролдаги қалъани маҳв этиш учун 50 мингга яқин аҳолини зўрлик билан олиб келади ва теварак-атрофдан тош, шох-шабба ва хашак келтириб дарёга ташлата бошлайди. Қалъадагиларнинг душманга қарата отган ўқ ва тошларидан аҳоли ҳам жабр чека бошлайди. Охир-оқибат вазият таранглашгач, Темур Малик оролни ташлаб кетишга мажбур бўлади. У қолган аскарлари ва юклари ортилган 70 та қайиқда Сирдарёнинг куйи оқими томон сузиб кетади. Мўғуллар дарёни тўсиб қўяди. Темур Малик қирғоққа тушиб, душман билан жанг қилади. Кўп талафот бериб, ёлғиз ўзи Қизилкум чўли



орқали 1220 йилнинг ёзида Хоразмга етиб келади. Аскар тўплаб Жўжихон қўшинига кучли зарба беради, Касба (Янгикент) шаҳрини босқинчилардан озод қилади. Аммо салтанатда юзага келган мушкул сиёсий вазият туфайли Хоразмни тарк этади.

Темур Малик 1221 – 1232 йиллар давомида Жалолиддин Мангуберди билан биргаликда мўғулларга қарши тинимсиз кураш олиб боради. Султон Жалолиддин ҳалокатидан кейин ўз юртига қайтади. Маълум вақтдан сўнг Ватан озодлиги йўлида умрини фидо қилган баҳодир саркарда мўғуллар томонидан қўлга олинади ва қатл этилади. Йиллар, асрлар давомида Темур Малик жасорати асарларга муҳрланиб, халқ қалбидан теран жой олиб улгурган. Айни дамда пойтахтимиздаги шоҳқўчалардан бирига шерюрак аждодимизнинг номи берилган.



## МАҲМУД ТАРОБИЙ

Тарих саҳифаларида Маҳмуд Таробий қўзғолони мўғул истилочиларига қарши олиб борилган халқ курашининг ўзига хос қаҳрамонона ҳаракатидан сўзлайди.

Чигатой даврида Мовароуннаҳр унинг отаси Чингизхон давридагидан-да ёмон аҳволга солинади. Мовароуннаҳр ҳақида ўша даврнинг тарихчилардан бири шундай ёзиб қолдирган: «Мўғул истилочилари одамларни ҳайвонларга, серҳосил ерларни ва одамлар яшайдиган обод жойларни ййловларга айлантирган. Шаҳар, қишлоқларни тинимсиз, аёвсиз талон-торож қилган, эркаларни қул, аёлларни эса тул қилиб ҳайдаб кетган. Гуллаб-яшнаб турган ҳудудлар чўлу биёбонга айланиб бўлганди...» Мана шундай зулум ситамлардан, адоғи йўқ ўлпон ва солиқлардан ғазабга тўлган халқ келгинди ҳукмдорлар ва маҳаллий бойларга қарши кўп бор исён кўтаради. Шундай йирик қўзғолонлардан бири Маҳмуд Таробий бошчилигидаги ҳунарманд ва деҳқонлар курашидир.

Маҳмуд Таробий Бухоро яқинидаги Тароб қишлоғида (ҳозирги Жондор тумани ҳудуди) ҳунарманд оиласида туғилган. У ҳақидаги тарихий маълумотларда элакчи-қосиб, шайх бўлган, дея таъриф берилади.

Манбаларда келтирилишича, 1238 йилда Бухоро атрофидаги қишлоқларнинг деҳқон ва қосиблари ўзаро маслаҳатлашиб, босқинчиларга қарши очиқ курашга киришадилар. Қўзғолонга раҳбарлик қилишни Таробийдан ўша даврнинг машҳур тасаввуф шайхи ва уламози, қўзғолончиларнинг маънавий пирини Шамсуддин Маҳбубий сўраган ва бунга Таробий мамнуният ила рози бўлган. Жувайнининг ёзишича, Шамсуддин Маҳбубий қўзғолончиларнинг гоъвий раҳнамоси сифатида қўшин ва халқ ўртасида катта ташвиқот ишларини олиб борган. Мўғул босқинчилари ва уларнинг хизматига ўтган маҳаллий маъмурларнинг мол-мулкни бева-бечораларга тарқатиб берган.

Таробийнинг опаси ҳам қўзғо-

лоннинг фаол иштирокчиларидан бири бўлган. Бу табиб ва дуохон аёл ўз мардлиги, куч-ғайрати, жасорати ва душманга нафрати билан қўзғолончилар орасида алоҳида ажралиб турган.

Маҳмуд Таробий бошчилигида Бухоро бутунлай қўзғолончилар қўлига ўтади. Шаҳардаги Малик Санжар қасри (1206 йилда Бухорода кўтарилган қўзғолон раҳбари қурдирган)ни эгаллаб, ўзларига қароргоҳ қилиб олишади. Уларнинг сафига кўплаб тарафдорлар ва маслақдошлар келиб қўшила бошлайди. Маҳмуд Таробий Робиа саройига жойлашиб, султон қилиб кўтарилган. Шамсуддин Маҳбубий эса шаҳар садри этиб тайинланади.

Мўғул босқинчилари бу пайтда Карманага қочиб, шошилич тарзда куч тўплай бошлайди. Қўзғолончиларни бостириш учун Бухорога юриш қилади. Аммо ниятига ета олмайди. Карманадан юборилган мўғул қўшинларини юрагида ватанпарварлик туйғуси жўш урган Таробий бошчилигидаги қўзғолончилар Бухоро атрофида тор-мор этишади. Жангда 10 минг



мўғул аскарлари ўлдирилади. Қўзғолончилар босқинчиларни қувиб Карманাগача боришади. Афсуски, бу ерда бўлиб ўтган шиддатли жангда халқ қаҳрамони Маҳмуд Таробий ва Шамсуддин Маҳбубий ҳалок бўлишади. Йўлбошчисиз қолган қўзғолончилар эса мағлубиятга учрайди.



Шунга қарамай Таробий қўзғолони исзис кетмайди. Мўғул маъмурияти эндиликда маҳаллий аҳоли билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тушуниб етади, ўлпон ва солиқларни камайтиради. Маълум муддат турли ўзбошимчаликларга чек қўйилади.



Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

# САҲРО БУЛБУЛИ

« Абдулла Орипов, Эркин Вохидов десак, ўзбек адабиёти, Махтумқули туркман, Чингиз Айтматов қирғиз, Абай Қунанбаев қозоқ, Расул Ҳамзатовнинг номини эшитганимизда, авар адабиёти кўз олдимизда гавдаланади. Чунки адабиёт шундай мўъжизаки, адиблар ижод намуналарида элининг урф-одати, маданиятини елкаларига кўтаришади. Шунинг учун улар ўз халқининг «имзо»сидир. Қорақалпоқ адабиёти десак, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов ижодига тўхталмасдан кетолмаймиз.



ёруғлик, зиё...  
Гарчи, фронтдан бот-бот шумхабарлар келиб турса-да, ҳаёт, барибир, аввалгидек шитоб билан оқиб ўтаверади. Тўғри, энди «Чой ичиши» тантаналари деярли бўлмасди-ю, бироқ қизлар ҳамон уйимизга келиб туришарди. Фарқи шундаки, энди узоқ ўтиришолмайди. Кўпинча кечалари келишади, онам билан суҳбатлашишади, ҳасратлашишади. Айримлари амманга ўхшаб мактабда тузукроқ ўқиёлмаган, жанг майдонидаги йигитидан олган хатини ўз иниларидан яшириб, менга ўқитиш, жавоб хати ёздириш учун келади. Сабаби улар менга ўрганиб қолишган. Бу ёғини сўрасангиз ишончлироқман, онам қаттиқ тайинлаган гапга оғишмай амал қиламан – ҳеч бирининг юрак сирларини бировга ошкор этмайман. «Ости – ер, усти – тепки» бўлишини ким ҳам истарди ахир.

Уйимиз дахлизисиз бирина хона, бироқ ўтовимиз ҳам бор. Қизлар келганида ё бобом билан момом кўшнлариникига чиқиб кетарди ё онам икковимиз ўша қиз билан қиш пайти совуқ ўтовга, ёз пайти, аксинча, димикқан уйга кириб гаплашамиз. Гоҳ бобом билан момомнинг олдидакёк гаплашаварамиз. Чунки уйимизда биронинг гапини бошқага айтадиган чакимчиём, ғийбатчиём йўқ.

Қизларга келган хатлардан: «Кўп ёзувчиларнинг асарларини ўқиб, ўйлаб қарасанг, муҳаббат ҳаёт чироғи экан, деган хаёлга борасан. Ким қоронғилиқдан чироқ томонга юрса адашмайди. Ким ёруғликдан зулматга қараб юрса, қоқилиб-суринаверади... Мени зиё бўлиб кут, севгилим!...»

Оддий ва покиза сурат! Мана, қандай чиройли армон чўли! Нозик таъбли ўқувчини ҳам китоб ёнига милайдиган сатрлар.

Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Секретарь» қиссаси Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги овул турмуши қийинчиликлари, эркакларини урушга юборган аёллар, ўспирин болаларнинг фронт орқасидаги машаққатли меҳнати мавзусига бағишланган бўлиб, катта қизиқиш билан ўқилади, китобхонлар томонидан ижобий баҳоланади. Ўзига, қаламининг кучига ишончи ортан ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим» асарига ҳамоҳанг «Муаллимга раҳмат» қиссасини 1958 йилда ёзиб, дастлаб «Жеткиншек» номли болалар газетасида чоп эттирди. Сўнгра китоб ҳолида эълон қилди.

«Қорақалпоқ достони» трилогиясининг воқеалари бутун туркий тилли халқлар турмушида учрайдиган, бир-бири билан айқаш воқеалар бўлгани туфайли улар қорақалпоқ китобхони билан бирга ўзбек, қозоқ, қирғиз ўқувчиларига ҳам яқин ва тушунарли. Шунинг учун ўтган асрнинг 70 – 80-йилларида келиб қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергеновнинг номи ҳақли равишда атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбек, қирғиз адаби Чингиз Айтматов, қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezов, туркман ёзувчиси Берди Кербоев номлари қаторида тилга олинадиган бўлди. Унинг романлари ўзбек, қозоқ, туркман тилларига таржима қилиниб,

кўп нусхаларда босилди.

Ёзувчи қандай унвон ёки лавозимга эга бўлмасин, ҳаммаша халқ манфаати учун хизмат қилди. 1989 йили Москва шаҳрида собиқ иттифоқ халқ депутатларининг I съезида «Орол яшаши зарур!» деган шioriни кўтариб, жамоатчиликни ўша вақтларда юз бераётган экологик фожианинг олдини олишга чақирди. Унинг оташин сўзлари халқ вакилларини ларзага солган бўлса керак, шунинг учун академик А. Сахаров «... Депутат Т. Қаипбергенов Орол денгизи ҳақида сўзлади. Бу дардли ҳолат ўзининг кўлами ва узоқ муддатга чўзилиши жиҳатидан жаҳоншумул фожага ҳисобланади», деб баҳолаган эди. Оға Ҳаж сафарига борди. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларида бўлиб, халқро минбарларга чиқиб, «Орол фожиаси» ҳақида бонг урди.

«Бир одам бўлса-ю, менга уч кечаю уч кундуз, балки бундан ҳам кўпроқ қулоқ берса, дард-ҳасратини йиғлаб-йиғлаб, шўр пешонамга муштлаб-муштлаб, илон чаққан кишидек тўлғаниб, инграб гапириб берсам.

Оиламиз икки жон, онам ва мен. Онам почталёон, оти Гулжон, ўзим этиқдўзман, исмим Камол. Отанинг оти Жамол, колхозда ҳисобчилик қилиб юрганида аскарликка олинган экан. Онамнинг исмини қаламга олганимда, ҳамма ҳарфларни катта ҳарф билан, Жамол деган исмининг ҳатто бош ҳарфини ҳам кичик ёзгим келади. Афсуски, бу нарса имло қоида сига сиғмайди...»

Адибнинг «Совуқ бир томчи» қиссасини анча йиллар аввал ўқиганман. Аммо ундаги ҳар бир сатр, кинотасмадек кўз олдимга келади. Асар қахрамони етим Камол учун йиғлаганман. Унинг болалиги йўқ тақдирга раҳиман келган. Негадир ўша Камолни эрталабдан кечгача эшитиладиган «қулоқ» бўлишни хоҳлаганман.

Ёзувчининг асарлари хозиргача «гапирди». Дунё «кўринмас душман» билан олишаёттир. Шу ўринда адибнинг кўйидаги сатрлари хаёлимга келди: «Бобожон!

Сиз қайтмас бўлиб кетгандан буён бу фоний дунё неча турланди – айтолмайман, лекин сўнгги йилларда шунақанги эврилди, дунёқарашларимиз шунақанги чеврилдики, ҳай-ҳай, ишқилиб, охири бахайр бўлсин! Авлиё деб ишонганимиз иблис, оқ деб билганимиз қол-қора бўлиб қикди, бобожон! Бу ҳолдан кимлардир кўзлари эндигина очилган мушук боладек ўзини йўқотар даражада севиниб, сакраб-ўйнашга тушдилар. Бундай ўйноқлашлардан қўрқулик, бобо! Зеро, ўша ўйноқроқлар, мушук болаларга ўхшаб, билиб-билмай ўт билан ўйнашмоқлар-да. Оловли панжаларнинг ҳар бир ҳаракатидан ёнғинлар ловулламоқда, ўзлари эса ўйинга махлюёлар».

Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов чинакамга бахтли ёзувчи эди. «У дунёдаги бобомга хатлар» каби долзарб мавзули асарлари билан халқро жамоатчилик эътиборини Оролга қаратишга ҳисса қўшган ҳақиқий ватанпарвар адибдир.

Дунё харитасида мошдек ҳам чиқмайдиган халқнинг сеvimли кўйчиси! Ишқ ва муҳаббатнинг қадрини билган, адабиётга ошиқ кўнғиллар учун чин маънода саҳро булбулининг Орол бўйида парвоз этиши қорақалпоқ халқи учун ғалаба! Ҳа, бу мазмунли ва шарафли ҳаёт йўли.

Азиз ўқувчи, карантин пайтида китоб жавонингизга янги асарлар ва ўзгача дунёни илдиндик. Мазмунли мутула тилаймиз.

Айжамал ЖАНИБЕКОВА

Адабиёт инсон кўнглига яхшилик булоғидан «суўсин» беради. Адабиётни севган кўнғилдан ёмонлик чиқмайди. Ота-боболаримиз бу ҳақда: «адабиёт банданинг бели бешиқдан тортиб, тобутга теккунича кишига умр йўлдошидек бўлиб яшайди», деган. Қорақалпоқ халқи тарих саҳифаларидан ўчиб кетмаслигининг сабаби ҳам шудир. Бу халқ адибларини пирлардек сийлаган, ҳалигача шундай. Тўлепберген Қаипбергенов ана шу халқнинг эрка куйчиси эди.

У ўзининг ярим асрдан зиёд давом этган ёзувчилик фаолияти давомида катта ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. У ўз асарларида қорақалпоқ халқининг тарихи, бугунги ҳаёти, миллий қадрият ва аъналарини юксак маҳорат билан тараннум этди. Жайхун шамоли, Амударё сувларидан илҳом олиб яшаган адиб ўзидан катта маънавий мерос қолдирди. Унинг асарлари ажойиб! Жуда гўзал! Теран лирика ва реаликни ўзида бирда акс эттира олган ижод намуналарида муҳаббатнинг тафти бор. Бу муҳаббат балки гўзал ёрнинг нозлари, балки саҳро булбулини севган халқнинг меҳри бўлиши мумкин.

«...Аттанг, ҳаётда ичи пуч «таянч»ларнинг ҳали-ҳануз топилиб туриши одамни ўкинтиради-да, дерди отам. «Инсон учун энг мустаҳкам, мангулик таянч – халқи», деб кўп уқтирарди бобом.

Бизнинг халқимиз дарбадар кезиш, ўз маконини ёвдан химоя қилиш йўлидаги кўпдан-кўп қирғинбаротлар натижасида қирилиб-камайиб, Орол денгизининг тошқинидан ҳосил бўлган кўлмак сувда яккаланиб қолган балиқлардек оз бўлса-да, унинг ҳаётдан умиди кўп. Унда уммон балиқларининг феъл-атвори бўлса, не ажаб! Халқимиз ана шундай фазилати билан бахтли. У ўз фарзандлари учунгина эмас, барча дўст-биродарлари учун ҳам мустаҳкам таянч!»

Бир қараганда оддий, ҳамма айта оладиган сўзлар. Аммо ёзилган ҳар битта сўз қорақалпоқларнинг бошига тушган қийинчилиги таъшишларидан сўзлайди. Адибнинг «Қорақалпоқнома» асарини ўқиб, кўзларимга неча кун уйқу келмаганини санасам, санокча адашман. Ҳатто тушларимда балиқчи қиз бўлиб қолган эканман. Ов қуролларини кўтариб, ҳар тонг денгиз бўйида чопқиллаб, баланд овозда «Айдинлар» қўшиғини айтиб юрганим чин. Бу тушни қайта-қайта кўришни хоҳлардим.

«Муҳаббат эзгуликнинг ибтидоси. Бу ибтидонинг қимда қандай ўсиб-униши тарбияга боғлиқ.

Чин дилдан севиб-севилиш ҳар бир одам боласининг муқаддас орзу-армони. Чин муҳаббат табиат одамзот учунгина ато этган иккинчи қуёш: у кишининг дилини кундуздек мунаввар қилиб туради. Икки қуёшдан нур эмиб яшаш нақадар бахт! Ахир, адашмасликнинг бирламчи шарти

## ФИДОЙИЛИК

Саклар шоҳи Аморгнинг аёли Спаретра тарихда куч ва адолат, сабр ва матонатнинг тимсоли бўлиб қолган. Эрини аҳамонийлар асирга олишганида, душманга қарши мардонавор жанг қилиб, Ватанини қарамликдан сақлаб қолади. Тахт бошига келиб эркак кишилардан уч юз минг, аёллардан икки юз минг кишилик қудратли қўшин тўплайди. Аҳамонийлар шоҳи турмуш қуришни таклиф қилганида, орномуси учун кураш олиб боради. Ҳа, қорақалпоқлар орасида ҳам бундай жангчи, матонатли аёллар талайгина. Улар халқ орасида дostonларга айланган тирик қахрамонлардир.



# МАТОНАТ ТИМСОЛИ

Президентимиз Хотира ва Қадр-лаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда «Уруш қахрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табаррук Она сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки эл-юрт ҳимоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуг зотдир.

Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир. Бамисоли сабр-бардошдан яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродали инсонлар юртимизда кўплаб топилади», деган эди. Сулувхан Алламуратова ҳам халқимизнинг ана шундай бардошли аёлларидан эди.

## ОҒРИҚЛИ ЙИЛЛАР

Сулувхан отасидан эрта айрилди. Оила юки онаси Нигарханнынг гарданига тушади. У волидасига ёрдам бериш, рўзгор юкининг бир томонини кўтариш мақсадида болалигиданоқ оғир меҳнат қилади. Қиз бола бўлишига қарамасдан таълим олишга, ҳунар эгаллашга ихлоси баланд эди. Ёшлигидан санъаткор бўлишни орзу қилди, уйдагиларига «концерт» қўйиб, уларни роса кулдиради. Аммо унинг беғубор ёшлигига Иккинчи жаҳон уруши чанг солди. Оғир, суронли даврлар бошланганди...

1941 йили Алламуратовлар оиласи учун мусибат йили бўлди. Негаки, оиланинг тиргаги, суячиги, Сулувханнынг укаси Хожамурат армия сафига чақирилиб, жанг майдонига йўл олди. Укаси ўзидан анча кичик бўлишига қарамасдан, ота ўрнида ота, оиланинг ишонгани эди. 1942 йил 3 сентябрда эса фронтдан «Одий аскар Хожамурат Алламуратов фашизмга қарши жангда мардонавор қатнашгани ва Смоленск вилоятининг Карманов туманидаги ўрмонда вазифасини бажариш чоғида сафдошлари билан боғланиш имкони бўлмагани учун исзис йўқолгани» ҳақида хабар ва жасорати учун медал келади. Сулувхан жигарпораси бўлган укаси ғамида адо бўлай дейди. Дард устига дард қўшилиб, кўп ўтмай, иккинчи укаси Аюес ҳам фронтга чақирилади.



## ТЕАТРГА ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Сулувхан қорақалпоғистонлик таниқли драматург Асан Бегимов ёрдами билан Қўнғирот тумани колхоз театрида ўз фаолиятини бошлайди. Режиссёр Тўлек Сарибоевдан таълим олиб, сахнада роль ўйнаш, қўшиқ ва лапарлар айтишни ўрганади. Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан театр репертуаридаги бир пардали ва катта асарларда кичик роллардан асосий ролларни ижро қилиш даражасига кўтарилади. Ж. Аймурзаевнинг «Тўй», «Файратли ёшлар», А. Утеповнинг «Шубҳа», С. Хўжаниёзовнинг «Ойша» спектаклларида катта-кичик ролларни маҳорат билан ижро этиб, халққа танила бошлайди. Унинг юқори чўққига кўтарилган йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикаси театрининг онаси Айимхан Шамуратова билан республика бўйлаб гастроль сафарларида бўлади. Уруш тугайли меҳнат фронтда жавлон ураётган аҳолига ёрдам бериш, мусибатларини аритиш мақсадида шаҳар марказидан узоқ овулларгача, фронт ортидан фронтгача хизмат сафарларида юради. Инсоният бошига тушган бу оғир офат Иккинчи жаҳон уруши театр, санъат соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Театр актёрларининг кўпчилиги армия



сафига чақирилгани боис, иш ҳажми икки баробар ошади. Ёзининг иссиқ кунларида, қишнинг қаҳратонларида очиқ сахналарда роль ижро этишга тўғри келган. Қишнинг чилласида битта қўйлақда бир неча соат сахнада роль ўйнаган Сулувхан тез-тез касал бўлишига қарамасдан халқ хизматида бўлади.

Гастроллардан тушган маблағ эса тийин-тийинигача фронтга жўнатилади. Урушдаги халқ азаматларига уст-бош, озиқ-овқат, техника ва қуроллар етказилиб берилган. Ҳаттоки, театр жамоаси тўплаган пулга жанговар самолётлар тайёрланган. Фронтдан ўларга тез-тез миннатдорлик хатлари келарди.

## «САХНАДАМАН»

1944 йилнинг қиши. Сулувхан С. Хожаниёзовнинг «Суймегенге суйкелме» спектаклида Айсанемнинг укаси Гулсанемни, турмуш ўртоғи Х. Сапаров Айсанемнинг отаси Кўшкинбай ролини ижро этиши керак эди. Майдон томошабинларга тўла. Мазкур спектакль ўша маҳал энг томошабоп эди. Шунинг учун ҳаргал тумонат одам йиғиларди.

– Сулувхан, бир хабар айтаман, аммо ўзингни бос. Сен кучли ва иродали аёлсан, – дейди режиссёр. Унинг гапларига ҳайрон бўлган қахрамонимиз сахнага чиқишга шошилаётганини айтади.

– Ўглинг вафот этибди, ҳозиргина хабар келди, – деган гапдан ўзини йўқотиб қўйган Сулувхан сахна ортида унсиз қолади.

Умр йўлдоши куйиниб айтганди: «Кел, шу сафар гастролга чиқма,



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-коднинг сканер қилинг.

боланинг мазаси йўқ». Аммо чиқмаса ҳам бўлмасди, чунки у спектаклнинг асосий қахрамони, усиз томоша тугал бўлмайди.

Ҳамкасблари Сулувхан ва турмуш ўртоғига тасалли бериб, сахнага чиқмаслигини айтади. У эса онаси Нигархан опадек матонатли аёллигини шу ерда ҳам исботлади. Мана, кенг сахна, у томошабинларнинг гулдурас қарсақлари остида сахнага кўтарилди... Бу сафар кўзи эмас, юраги йиғлаб роль ижро этди.

1945 йили эса ёш келин-куёв яна фарзандли бўлади. Унга элимиз обод, тинч бўлсин, дея ниют қилиб Абадан деб исм қўйишди.

Ўзининг ярим асрдан кўпроқ умрини қорақалпоқ халқининг миллий театри ривожига бахшида этган, урушнинг аёвсиз азобларини бошдан кечирган Сулувхан Алламуратова чинакамига матонатли аёл тимсоли. У умр йўлдоши билан биргаликда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Райхан ва Абадан Сапароваларни, скрипкачи Мукамбой ва Бахтиёрларни тарбиялади.

Саҳна ва томошабин, халқ уларнинг хизматларини ҳеч қачон унутмайди.



Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,  
«Vatanparvar»

## ҚАҲРАМОНЛИК УНУТИЛМАЙДИ

« Ёдгор чоҳда ётган отасини етти йил кутади. Унгача бирор марта кўрмаган. Фақат йўлларига интизор бўлган. Буни «Алпомиш» дostonида ўқиганмиз. Ёдгора Қаҳрамонова ҳам Ватан учун жон фидо қилган отасининг қайтмаслигини билса ҳам кутади, у билан фахрланади. Нурли қиёфасини тушларида кўради, хаёлан суҳбатлашади, шаънига шеърлар битидади.

Ватан учун жон берганнинг бегонаси бўлмайди. Бунга мен Фаргона вилоятига «Ватан сендан ризо, ўғлим» китобининг тақдимида борганимда яна бир бор икром бўлдим. Китоб Сурхондарё вилоятидаги қуролли тўқнашувларда мардларча ҳалок бўлган ўғлонларнинг ёрқин хотирасига бағишланган.

Китоб шаҳид ўғлонларнинг оила аъзоларига топширилган вақтда навбат тахминан қирқ ёшлар атрофидаги бир аёлга келди. Кўзларида мунг билан ийманибгина келаётган бу аёлга «Қаҳрамонжоннинг қаҳрамон аёли», дея таъриф беришди. Тadbирдан сўнг Қаҳрамон Мадолимовнинг турмуш ўртоғи Зухра Мадолимова билан суҳбатлашдик. Унинг дил оғриқларини ҳис қилдим. Дардларига қулоқ тутдим:

– Турмуш ўртоғим Кувасой шахрида туғилган. Новча, хушбичим, кўркем йигит эди. Тоғни урса талқон қилгудек кучини нафақат жисмоний меҳнатга, балки илм олишга ҳам сарфлади. Марғилон тиббиёт билим юртида таҳсил олиб, ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлагач, ҳарбий хизматга борган. Хизматни Ленинграддаги денгиз флотига аъло даражада ўтаб, кишлоққа еруғ юз билан қайтган йигитга ҳамма ҳавас қилган ўшанда. Қаҳрамон ака вилоят шифохонасининг урология бўлимида, ҳарбий госпиталда ишладилар.

Мен ҳам шифохонада ишлардим. Ўн тўққизда эдим. Уйдагилар келаётган совчилардан бирига унаштириб, нон синдириб қўйишди. Йигитнинг кимлигини сўрашга ботинолмабман (кулади). Бир кун ишга кетаётсам, Қаҳрамон ака ортимдан: – Сизни бир дақиқага мумкинми? – деб қолди.

Бу кўркем йигитни кўриб, тўғриси, юрагим бир «жиз» этди-ю, сездирмадим. Сўнг жиддий оҳангда:



– Вақтим йўқ. Унаштирилганман, – деб қадимини тезлатдим.

– Сиз унаштирилган йигит менман-ку! – деди Қаҳрамон ака кулиб.

Уялганимдан ишхонага қандай етиб борганимни билмайман ўшанда.

Тўйимиз чиройли ўтди. Янги оилам самимий эди, кўникишим қийин бўлмади. Қаҳрамон ака билан соҳамиз бир бўлгани учунми, бир-биримизни ҳар томонлама тушунарлик. Турмуш қурганимиздан бир йил ўтиб, қизимиз Зайнура туғилди. Қувончимизга қувонч қўшилди.

Шундай қилиб, Қаҳрамон ака билан беш йил бирга яшадик. Қисқа фурсат ичида бутун умрга етгулик бахтни ҳада этиб кетдилар. Улардан ажраб қолганимизда мен 23 да, қизим Зайнура 4 ёшда, Ёдгора ҳали туғилмаганди...

Турмуш ўртоғининг ватанпарварлигини тўлкинлашиб гапирётган, айна гул ёшида паноҳидан айрилган Зухра опа рўзгорнинг оғир юкини зиммасига олди. Икки қизига ҳам ота, ҳам она бўлди.



## ЎЗИНГНИ АЯМА, ВАТАН, ДЕСАЛАР...

2000 йил 31 июль куни қаҳрамонимиз уйдан «тезда қайтаман», деб чиқиб кетди. Унинг тезда қайтиши гумон, аммо борар манзили аниқ эди: Сурхондарёнинг Саросиё ва Узун туманлари. Қаҳрамон Мадолимов у ерда жангарилар тўдасига қарши мардондор курашди. Отишма чоғида унинг қуролдош дўстлари Бобур ва Маъруфжон қаттиқ жароҳат олди. Қаҳрамон Мадолимов эса доимгидек ёрдамга шошилди. Аввал Маъруфжонга, сўнгра Бобур Ғаниевга кўмак берди. Икковлоннинг ҳам яраларини боғлади. Бобуржонни четроққа олаётган пайтида бошига ўқ тегди... Тақдир экан, ҳозиргина ўзи қўтқармоқчи бўлиб ҳаракат қилаётган ярадор дўстларидан олдинроқ ўзи жон таслим қилди. Аёлига берган ваъдасини биринчи ва охириги марта бажаролмади.

## «МЕН БОБО БЎЛАМАН!»

Оиланинг устун сифатида отанинг ўрни бекиёс. Буни Мадолимовлар оиласидан ҳам билиш мумкин.

Қизлар дадаси ҳақида одамлардан фақат яхши гаплар эшитиб улғайди. Мурғак қалбларида чексиз меҳр, ҳарбийлик касбига ҳурмат билан ўсди. Оруларини шу манзил томон йўналтирди. Келажакда отаси каби ҳарбий соҳада фаолият олиб бориш учун тинмай изланди, билим олди. Икки опа-сингил ҳам тиббиёт йўналишини танлади. Ҳозирда Зайнура Фаргона давлат университетиди, Ёдгора эса Андижон тиббиёт институтидида таҳсил оляпти.

Зайнура ўқиш билан бирга икки фарзандини ҳам

# «МЕНИНГ ОТАМ – АЛПОМИШ!»



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-коднинг сканер қилинг.

вояга етказмоқда. Ҳар гал ота уйига келганда, энди тили чиққан ўғли «Мен бобо бўламан», деб ҳовлига «ҳарбийча салом» бериб кириб келади. Бу болакайнинг «бобомга ўхшаб ҳарбий бўламан», дегани экан.

Зухра опа эса набирасига термиларкан: «Ўзинг ўхшагин-у, умринг ўхшамасин», деб қўяди ичида.

Ёдгордан «Дадангизни қандай тасаввур қиласиз?» дея сўрайман.

– Дадам дostonлардаги баҳодирлардек, Алпомишдек туюлади, – дея жавоб берди у. – Суратларида бўйлари баланд, келишган инсон қиёфаси гавдаланади. Тушимга кўп кирадилар. Суҳбатлашамиз. Жисман орамизда бўлмасалар-да, доим қўллаб туришларини ҳис қиламан. Дадам танлаган йўлдан кетмоқчиман. Аввало, юртимиз тинч бўлсин, мабодо улар каби юрт тинчлиги йўлида жон беришга тўғри келса, заррача ачинмайман. Чунки мен қаҳрамоннинг қизиман.

Қаҳрамон Мадолимов Кувасойдаги 16-умумтаълим мактабидида ўқиган. Ҳозир бу мактаб ҳовлисида унинг хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуаси ўрнатилган. Маҳалладошлар, мактаб ўқувчилари шундай ҳамқишлоғи билан фахрланишади. Ёшлар унга ўхшага ҳаракат қилади. Бутун ўзбек халқи учун ҳам унинг хотираси мангу. У бизнинг ҳам яқинимизга, жон-жигаримизга айланган. Ватан учун жон берганнинг бегонаси бўлмайди.

Шоҳсанам НИШОНОВА,  
«Vatanparvar»



# БОБОМНИНГ СЎНГГИ ДУОСИ

« Баҳор фаслининг бошлари эди. Ариқ четлари ялпизлар билан безанган. Бодом дарахти гулбарглари ташлаб, яшиллик либосини кия бошлаган. Ҳовли четига экилган райҳон ва ўсмалар ниш уриб, ҳаёт гўзаллигидан, бардавомлигидан сўзлайди. Бувим билан ҳар доимгидек тонгги дастурхон устида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Бу гал бувимни катта бобомиз ҳақида саволга тутдим. Бобом ҳақида яна нималарнидир билишга ошиқдим. Ҳар гал бувим аждодларимиз ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеаларни сўзлаб берганда, мен учун мозий қатидаги сирли эшиклар очилгандек бўлаверади. Бувимнинг бу сафарги суҳбати бобомнинг сўнги манзилга кетиши, тўғрироғи, охириги тилаги ва дуоси эди.

Катта бобом Сафахон қори Алишоев ўз даврининг зиёли инсонларидан бўлган. Диний ва дунёвий илми яхши эгаллаган. Форс, араб, рус ва татар тилларини мукамал билган. Бошланғич таълимни Қўқон мадрасасида олган. Кейинчалик Бухоро мадрасасида таълимни давом эттирган. Барча зиёли инсонлар каби шўролар даврида катагон қурбонига

айланган. Гуноҳи билимдон, халқпарвар, юртга фидойи инсон эканлиги эди. У ўзини нималар кутаётганини яхши билган. Чунки атрофидагилар бобомни огоҳлантириб, юртдан чиқиб кетишини, бир муддатдан сўнг замон тўфонлари тинчигач, қайтиб келишини маслаҳат беришган. Аммо бобом буни истамаган...

Истилочилар ёпиқ суд орқа-

ли бобомни ва у каби ўнлаб юртпарвар инсонларни отувга ҳукм қилган. Ҳукм ижро этилган ўша кунни бобомнинг навбати келганда, ўлимлари олдида беш дақиқа вақт беришларига изм сўрайди. Бобомнинг сўнги тилаги қондирилади. Шунда бобом икки ракат нафл намози ўқийди ва юрт учун овоз чиқариб дуо қилади. Сўнгра ўрнидан туриб, милтиқ ўқталиб турганга ҳукм ижросига тайёр эканини айтади.

Ҳар гал дуога қўл очганимда бувимнинг катта бобом ҳақида айтиб берган ҳикоялари ва бобомнинг сўнги дуоси хаёлимни банд этаверади.

Мен – мустақиллик фарзандиман. Демакки, озод юртнинг эркин фуқаросиман. Ҳурлик бағрида улғайдим, ўқидим, муаллималик касбини эгалладим. Менинг бу бахтга эришимда бобомнинг, у каби юзлаб ватанпарвар аждодларимизнинг саъй-ҳаракати ва эзгу дуоси катта ўрин тутганини ҳар қадамда ҳис қилиб тураман.

Нафисахон РАҲМОНОВА  
Фаргона вилояти,  
Ўзбекистон тумани

# ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИДА ҲАРБИЙ ИШ

Тарихчи олим Акбар Замоновнинг «Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви» номли монографияси асосида

## (биринчи мақола)

Сизга тавсия қилинаётган «Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви» деб номланган бу китоб, тўғрироғи, монография меҳру муҳаббат ва жиддий илмий қувват билан яратилган. Муаллиф тарихчи олим Акбар Замонов ноёб мавзунини танлаган. Ноёблиги шундаки, жаҳон тарихида туркий халқлар, хусусан, Турон ерларида яшаган элатлар ва унинг фарзандлари энгилмас саркардалар, ҳарб илмининг энг моҳирлари саналса-да, бу мавзу алоҳида, даврларга бўлиб, тадрижий, энг майда деталларигача ишланмаган. Бир, икки жаҳон таниган саркарда аждодларимиз фаолиятига оид илмий ишларни ҳам мукамал, дейиш мушкул. Шу маънода Туркистон, Турон ерларида қад ростлаган давлатларнинг ҳарбий қудрати, қўшин тузилиши, жанг услублари ва тайёргарлиги, таъминоти каби кенг қамровли йўналишда Муҳаммад Шайбонийхон ва унинг авлодлари, қисқача айтганда, шайбонийлар сулоласи давридаги ҳарбий ишни ўзининг илмий мақсад-муддаоси деб белгиллаган бу монография эгасини аввало қутлаш керак.

Монография қўлимизга «Баёз» нашриётида тушди. Бизни китобнинг номи ўзига тортди. Ҳаётда, газетамизнинг ўқувчилари бўлган ҳарбийлар бундан хабардор бўлишлари керак.

## МАВЗУ МАХСУС ЎРГАНИЛМАГАН

Монография уч бобдан иборат эди: I боб – Мавзу тарихшунослиги ва манбаъшунослиги.

II боб – XVI асрда Бухоро хонлигида ҳарбий-сиёсий жараёнлар, ҳарбий бошқарув ва қўшин тузилиши.

III боб – Шайбонийлар даврида ҳарбий тактика ва стратегия.

Акбар Замонов XVI асрда Мовароуннаҳрдаги ҳарбий-сиёсий жараёнларни, хусусан, шайбонийларнинг мамлакатни эгаллаш ва марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги жараёнларни нисбий равишда уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин, дейди. Булар:

1. 1500 – 1510 йиллар – Муҳаммад Шайбонийнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги фаолияти даври.

2. 1512 йилда Убайдуллахоннинг Мовароуннаҳрни эгаллаш ва бирлаштириш йўлидаги ҳарбий-сиёсий фаолияти.

3. 1552 – 1598 йилларда Абдуллахоннинг марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги фаолияти.

Бу даврларни тадқиқ этишда

муаллиф бир қанча манбаларга таянган ҳолда кўз ўнгида парчаланган мамлакатнинг бирлашуви, теурий шахзодалар ўртасидаги можаролар, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон мулкидаги вазият ҳақида аниқ манзараларни пайдо қилади.

Муаллиф айтади, бу кун Бухоро хонлигининг ҳарбий бошқарув тизими, ҳарбий санъати, қўшин тузилиши, таркиби, таъминоти, қуролланиш даражаси ва ҳарбий амалдорларнинг давлат бошқарувидаги ўрнини тадқиқ этиш ва очиқ беришга эҳтиёж бениҳоя катта. Мазкур илмий муаммо тарих фанида махсус ўрганилмагани боис тадқиқот мавзуси қилиб олинди.

## «МОВАРОУННАҲРДАН ЛАШКАР ҚИЛ»

Туркий, форс, рус ва бошқа Европа тилларида ёзилган асарлар, қўлёзмалар, сайёҳларнинг эсдаликларидagi маълумотлар қисий таҳлил этилган иш жараёнида (XVI аср) Бухоро хонлигидаги ҳарбий-сиёсий жараёнлар, ҳарбий бошқарув ва қўшин тузилишига кўзгу тутилади. Ҳарбий, маъмурий-ҳарбий мансаблар ва уларнинг вазифаларига тўлиқ таъриф берилди. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

**Нақиб** – сайидлар ва сайидзодалар орасидан саралаб олиниб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳарбий масалаларда олий ҳукмдорнинг биринчи мансабчиси ҳисобланиб, фармон ва ёрликларда унинг номи биринчи зикр этилган. Дин пешвоси бўлган нақиб расмий маросимларда хоннинг чап томонида биринчи бўлиб жойлашган. У XVII асрдан тўлиқ ҳарбий лавозимга айланган.

**Қўқалдош** – сулола вакили билан бир онани эмиб улғайган бу кишилар энг ишончли ҳисобланиб, уларга нозик ва масъулиятли вазифалар топширилган. Абдуллахон ибн Искандархон даврида Қўқалдош ҳарбий кенгашларда нақибдан кейин иккинчи бўлиб ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга бўлган. Абдуллахон Қўқалдошга шундай таъриф беради: «Кимнингки Қўқалдош Қўқалдошдек яна икки кишиси бўлса, ҳар вақт унинг тиришқоқлиги билан ернинг тўрт бурчагини олиши мумкин».

**Чухрабоши** – чухра саркардалар фарзандларидан тузилган, хонни муҳофаза қиладиган махсус бўлинма бўлиб, унинг раҳбари чухрабоши дейилган.

**Нўён** – туман, яъни ўн минглик қўшиннинг қўмондон бўлиб, бу ўнвон шахзода ва амирларга берилган.

**Тўғбеги** – хон қўшинининг асосий байроғини кўриқловчи ва юриш вақтида кўтариб юрувчи бўлинма бошлиғи.

• **Кўрчи** – қурол-аслаҳанинг кўчма



омборини кўриқловчи бўлинма раҳбари. Улар ҳарбий қуроллар устахоналарини ҳам бошқарган.

Монографиянинг қўшиннинг тузилиши, таркиби ва ҳарбий бошқарув тартиблари бўлимида «Абдуллонома» асаридан олинган шундай нақл келтирилади: «Мовароуннаҳрдан лашкар қил, Румдан хотин ол, Балхдан макон қил». Бу туркийларга берилган ҳаққоний таъриф эди.

## ҲАРБИЙ КҮРИК

Акбар Замоновнинг ёзишича, қўшин ҳарбий кўриги баҳор ойларида ўтказилган. Жанг олдида лашкар қандай сафга тизилса, кўриқда ҳам худди шундай саф ташкил қилинган ва шахсан хоннинг ўзи ҳар бир қисм аскарларини назоратдан ўтказган.

Кўрик тартиби қуйидагича бўлган: хон яқинлашиб келганда қўшиндаги ҳар бир қисм бошлиғи отдан тушиб, унга ўз қисмини кўрсатар, жангчиларнинг абжирлиги ва чаққонлигини намойиш қилар, кейин тиз чўкиб, ҳукмдор шаънига дуо ўқир ва ғалабаларини олқишлар, унга жонини фидо қилишга тайёрлигини изҳор этарди.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарига ҳарбий кўрик шундай ҳикоя қилинади: «Қоратикан саҳросида (ҳозирги Чироқчи туманидаги Қўқдала даштлари) лашкарнинг кўриги ўтказилиб, махсус отлар, аслаҳалар ва жангу жадал асбоблари кўздан кечирилди. Аскарлар сувдай сузувчи отларни майдонда жавлон урдирардилар. Ҳар бир қисм ўз томонини бутун тартиб ва интизомга солиб, қуролланган ва мукамал саф тузган ҳолда ўз жойларида турдилар. Эрта тонгдан то шомгача юлдуз сипоҳли султон лашкари кўриқдан ўтказилди».

Тадқиқот яна шуниси билан аҳамиятлики, шу пайтгача жиддий ўрганилмаган, аммо қўшин фаолиятида

муҳим ўринни эгаллаган баъзи мавзуларга чуқурроқ кириб борилган. Масалан, лашкарнинг руҳий тайёргарлиги, эътиқоди, ишончи, қўшинда жанговар руҳни ҳосил қилиш тўғрисида тадқиқотчи шундай ёзади.

## ИШОНЧ ВА ЭЪТИҚОД

Қўшинда диний уламолар – нақиблар, хўжалар, сайидлар, қозилар олиб юрилган. Уларнинг навкарликка ёллангани қатъий тақиқланган. Бу уламолар жангга кирмасалар-да, уларнинг қўшин таркибида бўлиши, даъват ва маърузалари, ҳарбий юришларнинг шариат қонун-қоидаларига мослигига фатво бериши қўмондонлардан то аскарларгача ўзига бўлган кучли ишончи ҳосил қилган. Баъзи ҳолларда уларнинг даъвати билан душман жангсиз таслим бўлган. Бухоро хонларнинг деярли барча юришлари мамлакат шайхул-исломининг фотиҳаси ва фатвоси билан амалга оширилган.

Баъзи ҳолатларда дин пешволари ҳарбий тўқнашувларнинг натижаларини олдиндан кўра билган ва бундай жангларнинг ташаббускори ҳам бўлган. 1512 йилда Исмомил Сафавийнинг Нажми Соний бошчилигидаги 80 мингга яқин қўшини Мовароуннаҳрга бостириб кириб, Қаршини қамал қилгани бунга мисол бўлади. Шунда Убайдулла ва Жонибек султонлар кучлар тенг эмаслигидан чекинишга қарор қилганда, Убайдулла султоннинг пири Сайид Абдулла Яманий Туркистондан Бухорога келиб, уларни жангга даъват этади, ҳатто жанг режаларини тузишга қўмақлашади. Барча шайбоний султонларнинг бирлашиши оқибатида душман енгилди, Нажми Соний ҳалок бўлади.

Шайбонийхонлар лашкарида аскарларнинг соғлиғига ҳам жиддий қаралган. Қўшин таркибидаги табиларга бош табиб раҳбарлик қилган. Манбаларга кўра, Абдуллахон қўшинининг бош табиби Султон Муҳаммад ўз замонининг «Афлотун»и ҳисобланган. Манбалардан бирида ёзилишича, Абдуллахон қўшинидаги нуфузли амалдорнинг майдаланиб кетган бош суякларини қўшин таркибидаги жарроҳ томонидан қайта териб чиқилган.

## ОЛИМНИНГ ҚИСҚА ХУЛОСАЛАРИ

Олим монографиянинг ҳар бир боби ва бўлими якунида хулосаларини баён қилади. Хусусан, мана бундай.

Хонликдаги ижро ҳокимиятини амалга оширувчи девонлар орасида илгари даврларда бўлган сингари ҳарбий ёки мудофаа соҳаси билан шуғулланувчи алоҳида девон мавжуд бўлмаган. Ҳарбий соҳада ҳам мансабларга тайинлашда асосий эътибор шахснинг иқтидори ва қобилиятига қараб эмас, балки насл-насаби ва ижтимоий келиби қиқишга қаратилган. Бу эса кейинги даврларга келиб, давлатнинг заифлашуви, тожу тахтининг отадан ўғилга ўтиши тартиби жорий этилиши бўлса, сулоланинг таназулига хизмат қилган.

Қисқача айтганда, заҳматкаш олим Акбар Замоновнинг «Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви» деб номланган монографияси ҳарбий тарих билан шуғулланувчилар учун ажиб бир тўхфа бўлган. Кейинги мақолаларда шайбонийларнинг қўшин таъминоти, ҳарбий тайёргарлиги ва машғулотлари, қурол-яроғлар ва улардан фойдаланиш, жанг усуллари, тактика ва стратегияси ҳақида сўз юритамиз.

Фурқат ЭРГАШЕВ

## САЛОМАТЛИК

COVID-19 эпидемиясининг авж олиш жараёнини кузатиб бораётган мутахассислар эртами-кечми коронавирус дунё аҳолисининг сезиларли қисмини зарарлашни тахмин қилмоқда. Ҳатто бу инфекция одатий грипп каби мавсумий ҳолга келади, деган тахмин ҳам мавжуд.

Вирус бу – ҳимоявий оқсил қатламга ўралган майда генетик код парчаси. Унинг зарралари шунчалик кичикки, вирусни одатий микроскопда ҳам аниқлаб бўлмайди: 100 миллион нусхадаги янги коронавирус игна учига осонгина жойлашади.

Инфекция юқтирган беморнинг ҳар йўталишида миллиардлаб вирус зарралари бўлиши мумкин бўлган майда тупук томчилари учиб кетади.

Вирус ҳужайрага кириб, уни оддий оқсиллар ўрнига вирус нусхаларини яратишга мажбур қилади – инфекция шундай ривожланади.

Фанга ўн миллионлаб вируслар маълум ва янги, илгари номаълум бўлган турлари доимий равишда кашф қилинмоқда.

Шу билан бирга, уларнинг аксарияти одамлар учун мутлақо безарардир, атиги бир неча юз вирус турлари хавф туғдиради ва ҳатто иммунитетимиз эволюция босқичларида уларнинг аксариятига қарши муваффақиятли курашишга мойил.

COVID-19 вируси баъзан ҳеч қандай симптом ҳосил қилмаслиги ҳам мумкин, лекин одатда шамоллашга ўхшаш белгилар билан юзага келади. Ҳозиргача 550 мингга яқин вирус юқтирган одамларни кузатиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) касалликнинг куйидаги белгиларини маълум қилди.

**Белги тўғрисидаги фоиз – умумий касалланганларнинг неча фоизда шу белги кузатилаганини билдиради:**

- иситма – 87,9%
- қуруқ йўтал – 67,7%
- чарчок, ҳолсизлик – 38,1%
- балғам ажралиши – 33,4%
- аносмия (ҳид билишнинг йўқолиши) – 30–66%
- нафас қисиши – 18,6%
- мусуқларда ёки бўғимларда оғрик – 14,8%
- томоқ оғриғи – 13,9%
- бош оғриғи – 13,6%
- совқотиб титраш – 11,4%
- кўнгил айниши ва қусиш – 5%
- бурун битиши – 4,8%
- диарея (ич кетиши) – 3,7–31%
- қонли балғам тупуриш – 0,9%
- конъюнктивит – 0,8%

Бу белгилар бошқа ҳолатларда ҳам кузатилиши мумкин. Лекин шу белгилар кузатиладиган бўлса, тиббиёт ниқобини тақиб, ўзингизни бошқалардан изоляция қилиб, яшаш жойингиздаги соғлиқни сақлаш муассасасига хабар беринг. Хитойда ҳам бу белгилар билан касалхонага миллиондан

# КОРОНАВИРУСНИ ЕНГИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА!



ортиқ одам мурожаат қилган, тест қилинган, уларнинг аксариятида вирус аниқланмаган. Шу боис ваҳимага берилманг, ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Лондон гигиена ва тропик тиббиёт мактаби директори Питер Пиотнинг сўзларига кўра, SARS-CoV-2 тўртта муҳим фарқли хусусиятга эга.

Биринчидан, инфекцияланишдан кейинги бир неча кун мобайнида одам ҳеч қандай аломатларга дуч келмайди, аммо аллақачон бошқаларга юқтириши мумкин. Бу хавфли хусусият бўлиб, вирусни изоляциялашни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Масалан, SARS ҳолатида ҳамма нарсанинг мутлақо акси бўлган: аломатлар дарҳол пайдо бўлган, аммо беморнинг атрофдагиларга хавф солиши бир неча кундан кейин бошланган.

Иккинчидан, беморларнинг 80 фоизгача бўлган қисми оддий шамоллаш ёки грипп каби енгил ҳолсизликни сезади, деярли ҳар бешинчи (18 фоиз) инсон ўзида ҳеч қандай аломатларни сезмайди, аммо ўзи билмаган ҳолда ҳам у инфекция манбаи бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, COVID-19 аломатлари одатий гриппга жуда ўхшаш бўлгани сабабли кўплаб беморлар ўзларининг янги вирус ташувчиси эканликларидан шубҳаланишмайди, лекин атрофдагиларга юқтиришда давом этишади.

Тўртинчидан, касалликнинг дастлабки босқичларида вирус айнан томоқда кўпаяди, шунинг учун вирус юқтириб олган одам ҳар қандай аксириш ва йўтал билан атрофга миллиардлаб вирус зарраларини сочади. Бемор биринчи навбатда йўталишни бошлайди – бошқа барча аломатлар кейинроқ пайдо бўлади (ёки пайдо бўлмайди).

Янги вирус оддий мавсумий грипп каби осон тарқалишига қарамай, унинг юқумлиги юқорироқ. У ҳавода уч соат, пластик ва пўлат юзаларда уч кунгача ҳаётлигини сақлаб қолади.

Вирус иммунитетни заиф ва сурункали касалликларга чалинган кекса одамлар учун энг хавфлидир. 70 ёшдан кейинги ёш гуруҳида ўлим даражаси 5 фоиздан ошади, 80 ёшдан ошганларнинг ҳар ўндан бири вирусдан нобуд бўлмоқда.

Касалланганларнинг фақатгина ҳар бешдан ёки олтидан бирини шифохонага ётқиши талаб қилинади – асосан кекса ва ёки сурункали касалликларга чалинган одамлар.

Агар инфекция вирусли пневмонияга айланиб, бемор нафас олишда қийнала бошласа, у интенсив терапия (реанимацияга) ўтказилади. Бундай беморларнинг улуши барча тасдиқланган ҳолатларнинг тахминан 4 фоизини ташкил қилмоқда.

Кўплаб тадқиқотлар ва моделлардан кўришиб турибдики, вирусга қарши курашнинг энг самарали воситаси – карантин, у атрофдагиларни зарарламаслик учун муҳим.

Гриппга биринчи шубҳа пайдо бўлиши билан (илк аломат йўтал, кейин енгил ҳарорат кўтарилиши мумкин) ўзингизни оила аъзоларингиздан алоҳидаланг ва иложи бўлса, тўлиқ тикланмагунча уйдан чиқманг.

Антибиотикларни қабул қилманг – улар вирусларга қарши ҳеч қандай ёрдам бермайди.

Ҳар қандай шахсий алоқа учун ҳимоявий жарроҳлик ниқобини тақинг. Ниқоб тақилганда, тупук томчилари тўсилиб, атрофдагиларни ҳимоя қилади.

Коронавируснинг одамдан одамга ўтиш тезлиги ва осонлигини ҳисобга оладиган бўлсак, эртами-кечми дунё аҳолисининг катта қисми у билан касалланади.

У билан таққосланадиган «испанка» юқумли эпидемияси даврида (1918-1919 йиллар) вирус сайёранинг ҳар учинчи кишига юққан, янги инфекция эса янада жадалроқ тарқалмоқда.

Шунинг учун касалликка тайёр туриш керак. Асосийси, ваҳимага тушманг. Сиз аллақачон уни юқтириб, иситмасиз енгил йўтал ёки ҳеч қандай аломатларсиз «даҳшатли вирусдан» қутулган бўлишингиз мумкин.

**Коронавирус инфекциясидан сақланиш бўйича куйидагилар тавсия этилади:**

- энг аввало ваҳима ёки саросимага тушманг, акс ҳолда бошқа бир касалликнинг пайдо бўлишига имкон яратиб берган бўласиз;
- эрталаб тоза ҳавода сайр қилинг (енгил бадантарбия машғулоти билан шуғулланинг);
- асосан қайнаган сув истеъмол қилинг;
- муздек сув, музқаймоқ, шарбат, музлаткичдан мева ва ичимликлар истеъмол қилишдан ўзингизни тийинг;
- карантин қоидаларига рисоладагидек амал қилишингиз зарур;
- қўлингиз ва ўзингизни тез-тез совун билан ювиб юринг;
- яқинларингиз ва атрофдагилар билан қўл бериб, тирсак уриштириб саломлашманг;
- овқатланиш маданиятига амал қилинг (овқатланишдан олдин қўлингизни ювинг, идиш-товоқларни тозаланишга эътибор қаратинг, витамин ва оқсилларга бой бўлган маҳсулотларни истеъмол қилинг);
- хонани вақти-вақти билан шамоллатишни унутманг;
- тўй маросимлар ва бошқа базмларга боришдан ўзингизни тийинг;
- дори-дармонларни шифокор тавсияси асосида истеъмол қилсангиз, албатта, шифо топасиз.

**Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси**

ЗАМОНДОШ

# МЕХҲР - ДУНЁНИ ТУТИБ ТУРГУВЧИ УСТУНЛАРДАН БИРИ

**Бугун аёл-қизлар кириб бормаган соҳалар деярли қолмади. Уларни ҳарбий хизматчилар орасида кўриш янгилик эмас. Юрт осмони ҳам эгасиз эмаслиги, у ҳам кеча-ю кундуз қўриқланишини биламиз. Аммо ўша бедор нигоҳлар орасида дилбар аёлларимиз борлигини ҳамма ҳам билавермас керак.**

Кичик сержант Дилрабо Қуватова Ватан ҳимо-ячилари билан елкама-елка хизмат қилаётган ана шундай шарафли тақдир эгаларидан бирidir. Агар сал эътибор билан кузатсангиз, суҳбатдошингизни қандай касбда ишлашини билиб олишингиз мумкин. Чунки ҳар куни бажараётган ишимиз хатти-ҳаракатларимиз, гап-сўзларимизда ҳам акс этади. Шундайку-я, аммо Дилрабони ҳарбий кийимда кўрмаганимда ҳарбий хизматчи эканлигини билмаслигим аниқ эди. Ҳатто хаёлимга ҳам келтирмасдим.

«Умр йўлларида эзгу ҳисларни, мағрур олиб ўтмак осон бўлмайди», деб ёзган эди шоир. Йиллар саҳронинг шафқатсиз шамолларига ўхшайди. Бир вақтлар нозик-нафис бўлган туйғуларни ўтмаслаштиради, дағаллаштиради, баъзан жўшқинлик лоқайдликка жой беради... Аммо йилларга бўй бермас инсонлар ҳам бор. Дилрабо ана шундай инсонлар сирасига кирди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари сафида хизмат қилаётган бу аёл намунали хизматлари учун қўмондонлик томонидан бир неча бор рағбатлантирилган. Шу сабабли унинг хизмат фаолиятига алоҳида тўхталиш фикридан йироқман. Қачонлардир ўта тортинчоқ, эркаклар билан бир сафда хизмат қилиш уёқда турсин, ёнма-ён ўтирганидан хижолат бўладиган қиз бугун ўзи ҳам бир қатор шогирдлар тайёрлаган Куролли Кучларимизнинг энг олди алоқачиларидан бирidir.

– Болалигимда муаллим бўлишни орзу қилардим, – дейди назокатли суҳбатдошим Дилрабо Қуватова. – Маълум маънода шу орзуми ушалгандек. 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами муносабати билан шогирдларим қутлайди. Севинаман, устозлар қаторида эканимдан. Бир неча йиллар аввал сержант Оксана Лукьянова менга касб сирларини ўргатган. Мен ҳам устозимга муносиб бўлишга интидим, ишончини оқладим. Бу касб инсондан кучли масъулия ва фидойиликни талаб қилади.

Дилрабо 2006 йилдан бери ҳарбий хизматда. У ҳақда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Дилбар Ҳусанова шундай дейди:

– Айрим инсонларга баҳо берганда қалби дарё деган ибора ишлатилади. Нега қалб дарёга ўхшатилади? Мусавфалиги, ҳар доим уйғоқлиги, тирикликнинг, ҳаётнинг манба бўлгани учунми? Дарё обиҳаёт элтувчи, у ҳаммага керак. Дилрабо Қуватова ана шундай дарёдил инсон. Биламан, ўзи ҳақида ҳамма нарсани гапирмайди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳузурида тез-тез бўлиши, оиласи номидан мурувват ёрдамлари кўрсатиб туришини жуда яхши биламан. Айниқса, кексаларга бўлган муносабати,



меҳри, муҳаббати хайратга солади. Ленинград қамалида бўлган табаррук онахон Зайтуна Муратовога кир ювиш машинасини ҳам унинг ўзи тўхфа қилган. Эътиборли томони шундаки, бундай эзгу ишларда турмуш ўртоғи Абдисалом Равшанов, фарзандлари Жаҳонгир, Руслан ҳам унинг ёнида турадилар. Севги, муҳаббатга тўла оиладан атрофга эзгулик, нур таралади. Бундай оилалар миллатнинг фахридир.

Бизнинг ёзилмаган аъёнларимизга кўра ҳар қандай жиддий иш оилавий машваратсиз амалга ошмайди. Дилрабо ҳарбий хизматга кириб келиши, бунга яқинларининг муносабати ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

– Қайнотам аёлларни уй ишлари билан ўралашиб қолишни ёқтирмайдиган инсон. Она жамият билан ҳамнафас яшаши керак, майда-чуйда ташвишлар, ғийбатлар оиладаги соғлом муҳитни издан чиқаради, деб ҳисоблайдилар. Турмуш ўртоғим ҳарбий хизматга кирмоқчи эканлигини билганларида мамнуният билан қарши олганлар. Қайнотам бирданга ҳаммага ибрат қилиб кўрсата бошлаганлар. Ҳозир ҳам фахрланиб юрадилар. Зиёратларига борсак, мени кучоқларини кенг очиб кўтиб оладилар: «ҳарбий қизим келди», деб. Уйлардимки, ҳарбий хизмат ҳар қандай аёлни ҳам дағаллаштириб юборади, назокатдан йироқ қилади. Мен ҳеч овозимни баландлатган эмасман, юмшоқ табиатлиман. Турмуш ўртоғим шу фазилатини ёқтирганлар, минг истиҳола билан фикримни уларга айтдим. Шунда улар менга қараб туриб: «Сиз ўзгармайсиз, ҳар доим ана шундай ҳалим, меҳрибон бўлиб қоласиз, сизга ишонаман, сизни яхши биламан», дедилар. Нимагаки эришган бўлсам, ҳар доим қўллаб-қувватлаган оилам, турмуш ўртоғим туфайлидир. Ҳарбий ҳаёт мен учун бегона эмас эди. Бобом Қувват Қуватов узоқ йиллар ички ишлар тизимида хизмат қилганлар. Акаларим Фарҳод, Бурҳон ички ишлар хизмати офицерлари, Дилдора синглим ҳарбий хизматчи... Фарзандларим юридик йўналишда таҳсил оляпти. Ҳаётимни армия билан боғлаганимдан фахрланаман. Армонларим ҳам йўқ эмас. Шу кунларни дадам ҳам кўрганларида эди... Бир бошқача меҳр билан севардилар, мени.

1977 йили 7 мартда туғилганман. Буни дадам ўзлари учун омадли рақамлар деб билардилар,

қизимга бахт, омад келтиради, деб ишонар эдилар. Ҳарбий бўлганимда ҳаммадан кўпроқ, ёшлик армонлари ушалгандек севинганлар. Чунки амакиларимнинг ҳаммалари ҳарбий соҳа кишилари эди. Биргина дадамни авайлаб бўлса керак оталари бошқа касбга йўналтирганлар. Мен билан бирим фахрланардилар... Ўша куни ҳам менга интиқ бўлаверибдилар. Негадир ўзим ҳам безовта бўлдим. Хизматдан қайтсам, укам эшик олдида кўтиб турибди. «Дадам эрталабдан бери сизни сўраяптилар...» Бордим. Қон босимларини ўлчаб қўйдим. Кўтарилибди... Санокли дақиқалар ичида... дадамдан айрилиб қолдим.

– Шунинг учун қарияларни яхши кўрасизми? Улар сизга отангизни эслатадими? – дея кетма-кет савол бердим унга.

– Умрнинг ғаниматлигини эслатади, улар. Кейин, улар худди болалар каби ҳимога, меҳрга муҳтож бўладилар. Яна улар тирик тарихдирлар. Ленинград қамалини бошидан кечирган Зайтуна Муратованинг суҳбатларини тинглашни ёқтираман. Қамал даҳшатидан қандай омон қолгансиз, деган саволимга шундай деганлар: «Мен бола эдим. Ярадор аскарларга қарадим, уларга хатлар ёзиб берар эдим. Бунинг эвазига нон берардилар...» Шу ўринда яна бир инсон ҳақида гапиргим келди. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан давлатимиз раҳбари иштирокида ўтадиган байрам тадбирларида биз, ҳарбий аёл-қизлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ҳамроҳлик қиламиз. Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллигида данғаралик 96 ёшли Тўйчибой отага ҳамроҳлик қилдим. Нури инсон эканлар. Меҳрим тушди. Байрам тадбирлари тугади. Шу пайт автобус ойнасидан оппоқ соқоллари кўксига тушган отахон менга қўл силкидилар... Юрагим орзиқиб кетди. Гўё отам... менга қўл силкиятти. Ота-бола бўлиб қолдик. Оиламиз билан уларнинг зиёратига бордик. Катта йўл бошида ўзлари қиқиб кўтиб олганлари кўзларимда қолди (кўз ёшларини билантирмасдан артишга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, улар сизиб чиқаверди). Бу йил оламдан ўтдилар. Отамнинг вафотини иккинчи марта бошимдан ўтказгандек бўлдим...

– Ҳаётингизда унутилмас, қувончли кунлар ҳам кўпдир-а? – деган савол билан ғамгин хаёллардан узоқлаштиргим келди.

– Ҳа, шукур қиламан, бундай кунлар кўп бўлган. Бу сафар турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб туғилган кунимни Юнусобод туманидаги 23-Меҳрибонлик уйида нишонладик. Кўклам эди, байрам арафасида туғилганман. Дўстларимиз ҳаётда бундай байрамлар кўп, шунинг учун болажонлар билан ўтказишга аҳд қилдик. Жуда қизиқарли бўлди. Айниқса, мен учун тайёрлаган кичик концерт дастурларидан бошим кўкка етди. Аллоҳга шукур, кўп байрамлар, яхши кунларни кўрдим, аммо Меҳрибонлик уйи болажонларининг бу совғаси ҳаётимдаги энг унутилмас, қувончли лаҳзаларни бахш этди.

– Инсон тирик экан, орзу-умидлари ниҳоят билмайди. Назаримда, бир аёл орзу қилган ҳамма нарсга бор, сизда. Шундай бўлса ҳам яна нималарни орзу қиласиз?

– Ҳар тонг уйғониб, юртда тинчлик бўлишини, қайнотам, қайнонамнинг умрлари узун бўлишини тилайман. Ҳарбий хизматдан сўнг қайнона-қайнотамни уйимизга кўчириб келтириб, бирга яшашни орзу қиламан. Шунинг учун турмуш ўртоғимдан уйни кенгайтиришларини сўраганим-сўраган. Қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Улар кексайиб боряпти. Дуоғуларим билан яшасам дейман, уларга кўнгиллари тиланг таомларни пишириб берсам, сайру саёҳатларга олиб чиқсам. Фарзандларим камолини бирга кўрсак...

Дилрабони тинглаяпман-у, хаёлимдан шундай ўй келди. Дунёни тутиб турадиган устунлардан бирининг номи МЕХҲР. Бундай устунлар Дилрабо каби инсонлардан куч олади.

Инобат ИБРОҲИМОВА

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“ Оилани муқаддас даргоҳ дея таърифлаймиз, асраб-авайлаймиз. Бу муаззам қўрғон жамиятимиз кўзгуси, келажак авлод қад ростлайдиган азиз ошёндр. Уни ҳар қандай ҳолатда омонда асраш, юзага чиқариш эр-хотин олдида турган муқаддас бурч ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳақида сўз кетганда, бу хонадон вакиллари Ватанимиз тинчлиги, мустақиллигимиз барқарорлигига муносиб улуш қўшиб келаётган фидойилар дейишга ҳақлимиз. Негаки, бу оилаларни юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам учратишингиз мумкин. Ватан посбони – буйруқ одами, у юрт учун қаерда керак бўлса, ўша ерда ҳозир нозир бўлади, вазифасини масъулият ила адо этади. Оиласи эса доимо унга елкадош ва қанотдир.

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясига, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналар ва болалар саломатлигини асраш, бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини юзага чиқариш учун шароит яратиш, ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилган.

Олис ҳудудларда жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалардаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларини ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш алоҳида эътиборга олинган.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан жорий йилда ўтказилган турли мавзудаги маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловларга қисқача тўхталиб ўтсак. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан амалга оширилган «Мен ҳам дадам каби ҳарбий бўламан» мавзусидаги расмлар танловида ҳарбийларнинг ижодкор фарзандлари 5 000 дан ортиқ ватанпарварлик руҳидаги расмлари билан иштирок этишди.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳарбий хизматчиларнинг рафиқалари ўртасида уч босқичда – ҳарбий

# ҲАРБИЙ ОИЛАЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

қисм, округ ва вазирлик миқёсида ўтказилган «Балли, аёллар!» кўрик-танловида бекаларимизнинг миллий урф-одатларимизга эътибори, ижодкор ва тадбиркорлиги, меҳрибон она, севимли рафиқа, пазанда аёл эканлиги юзага чиқди.

Айни дамдаги пандемия ҳолатида эса онлайн (*масофавий*) тарзида турли тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз. Ҳарбий қисм ва округлар миқёсида ҳарбий оилалар ўртасида ўтказилган «Энг намунали китобхон оила»,



тарғибот-ташвиқот ишлари етакчи мутахассислар томонидан мунтазам олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларидан 420 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқда. Республикаимизнинг олис, чекка ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисм ва шаҳарчаларда бўлганимизда шунга ишонч ҳосил қилдикки, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароити, келажакка бўлган интилиши, оиладаги эр-хотин муносабатлари, фарзанд тарбияси каби масалалар тубдан яхшилانган. Бекаларимиз ўртасида турли танловларда иштирок этиш истагининг ортанлиги, истеъдодли оилалар, иқтидорли ўғил-қизлар сони кўпаяётгани улар билан ташкил этилаётган ишлар ўз самарасини бераётганидан далолат.

Бир сўз билан айтганда, Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан олиб борилаётган ишлар замирида Ватан тинчлиги, юрт ободлиги, жамият кўзгусига айланган намунали оилалар ва мустақил юртимизга муносиб фарзандлар тарбиялашда муҳим таянч бўлиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

**Зулфия МАНСУРОВА,**  
Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар ва  
ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан  
ишлаш бўйича бош мутахассис



«Болага китоб беринг!» танловлари шулар жумласидандир.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари томонидан ташкил этилган тикув цехларида ниқоблар тикилиб, Ватан ҳимоячиларига бепул тарқатилмоқда.

Ҳарбий шаҳарчаларда яхши қўшничилик, бир-бирларига ҳурмат, шаҳарча ободлигига эътибор, пандемия даврида уйда қолиб, яқинлари ва ўз саломатлигини асраш тўғрисида

## Шарқнинг 7 тозалик қондаси

Шарқ халқи қадим замондан бошлаб маданият ўчоғи ҳисобланади. Ўзининг дунё тамаддунига қўшган катта ҳиссаси билан бир қаторда, Шарқ одоб-ахлоқ меъёрлари билан бемалол мақтанса арзийди.

1. «Қўл тозалиги» – ортиқча нарса



олмаслик. Бегона кишининг буюми ёки пулини олмаслик керак, ахир у сизники эмас ва сизга насиб ҳам қилмайди.

2. «Қулоқлар тозалиги» – кўрқок, ғазабланган, майда гап кишилар гапини эшитмаслик, шунингдек, ўзи ҳам бекорчи ва беҳаё гап-сўзлар, ғийбатлардан сақланиш.

3. «Кўз тозалиги» – нигоҳингизни ҳасад билан ёки бировнинг нарчасига эғалик қилиш мақсадида ташламаслик. Бундан ташқари кўзларингизни зўравонлик ва шафқатсизлик бўлаётган ҳолатларга қараб булғамаслик. Нигоҳни ҳамиша олам гўзаллиги ва мукамаллигига қаратиб тоза сақлаш.

4. «Оғиз тозалиги» – оғизни кўп гапи-

риш ва ҳақорат сўзлардан асраш. Билинг, сукут сақлаш бу – одоб-ахлоқ намунаси.

5. «Тана ва либос тозалиги» – танангиз ва кийимларингизни тоза тутинг. Ташқи кўринишингизга катта эътибор қаратинг.

6. «Фикр тозалиги» – ҳаёлдан салбий фикрлар ва ёвуз ниятларни чиқариб ташлаш. Бу ўзингизга ачиниш ҳисси бўлмаслиги кераклигини ҳам англадади. Бунчалик синиқликнинг сабаби нима? Ундан кўра ўзингизни тетикроқ ҳис қилиб, ёруғ келажакингизга ишонган яхши эмасми?!

7. «Қалб ва юрак тозалиги» – қалбади нозик туйғуларни асраш. Қалбингиз – сизнинг энг тоза ва самимий нарсангиз, шунинг учун унинг истақларини ҳеч қачон рад этманг. Агар сиз қалбингиз буюрган йўлдан кетсангиз, унда сиз ҳаётнинг энг ёрқин йўлларидан ўтасиз. Севинг ва унинг ўрнига ҳеч нима талаб қилманг. Севишингиз ўзи бир бахт.

**Гулсанам ИСОҚОВА**

# «Нукус» полигонида янги қурилишларга старт берилди

Юртимизнинг энг олис гарнизонида жойлашган «Нукус» полигони инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида қўшимча 15 га яқин объектларни қуриш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун рамзий тамал тоши қўйилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов округ ҳудудида жойлашган иккита полигонда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилганини эътироф этар экан, бугунги замон талабига мос ва жанговар тайёргарликни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган объектларни қуриш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Шунингдек, юртимизнинг катта қисми чўл ва ярим чўл ҳудудларидан иборат бўлгани боис, айнан шундай мураккаб шароитда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ҳаракатларни олиб бориш кўникмасини мустаҳкамлашда «Нукус» дала-ўқув майдонининг роли ҳақида алоҳида тўхталди.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик машғулотлари билан сифатли шуғулланиши учун ҳарбий округлар тасарруфидаги дала-ўқув майдонлари замонавий ҳолатга келтирилиб, уларда халқаро даражадаги ҳарбий машғулотларни олиб бориш имкони мавжуд.

«Нукус» полигонининг умумий майдони 32 минг гектардан

зиёд бўлиб, унда бўлинмаларнинг жанговар техника ва ўқотар қуроллардан амалий отиш машғулотларини ўтказиш, зенит қурилмалари, стволли ва реактив артиллериядан ўт очиш, жанговар ва автомобиль техникаларини бошқариш каби машғулотлар олиб борилади.

Жанговар тайёргарлик машғулотларини юқори савияда ўтказиш учун дала-ўқув майдони ҳудудида мавжуд бўлган автодром, танкодром, жанговар машиналар директрисаси, қўшинлар отиш майдони, махсус-тактик машқлар ва оловли ишғол йўлақлари, мерганлар марраси, ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларини тайёрлаш ва муҳандислик, радиацион, кимёвий ва биологик муҳофаза, алоқа тайёргарлиги ва артиллерия бўлинмаларини тайёрлаш шаҳарчалари ҳамда армия биатлони



йўлаги ҳарбий хизматчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаб, кўникмаларининг ошишига хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Ҳарбий-маъмурий сектори томонидан ажратилган маблағлар эвазига полигон ҳудудида 200 ўринли ошхона, 400 ўринли 2 та ётоқхона, саф майдони ва сув насоси иншооти қурилиши давом этмоқда.

Ҳарбий-маъмурий сектор кўмаги билан эндиликда полигонда яқиндан жанг олиб бориш шаҳарчаси, автомобиль ва жанговар техникаларни сақлаш учун дала парки, спорт шаҳарчаси ҳамда ёзги ўқув

синфлари бошқа объектларни барпо этиш ва жиҳозлаш режалаштирилган.

Яқин истиқболда мерганлар отиш жойининг қурилиши ҳамда вертолёт қўниш майдончасининг жиҳозланиши ҳам белгиланган.

Ҳарбийларимизнинг халқаро майдондаги ҳарбий мусобақалар ва ҳамкорликдаги ўқув машғулотларида муносиб иштирок этишини таъминлаш учун мазкур полигонда барча қулайликлар муҳайё этилмоқда.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

## МУДОФААГА КўМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

# АЖОЙИБ ИМКОНИЯТ

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Мингбулоқ тумани ўқув-спорт техника клуби жамоасидан тумандаги барча ёшлар учун ажойиб имконият.

Биз сизларни ҳайдовчиликнинг «В», «С», «ВС», «ВЕ», «СЕ» тоифасига ўқишга таклиф қиламиз. Назарий машғулотлар масофадан туриб (онлайн) амалга оширилади.

Амалий машғулотлар карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда санитария-гигиена талаблари асосида олиб борилади.



Манзил: Мингбулоқ тумани, Жамашуй шаҳарчаси, Навоий кўчаси, 11-уй.

Мурожаат учун телефон: 99-302-69-16.

Хизматлар лицензияланган.

# ТЕСТ СИНОВЛАРИ: МУТАХАССИС НИМА ДЕЙДИ?

Айни кезде абитуриентлар олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишларига ўқишга кириш учун ўтказиладиган тест синовларини интиқлик билан кутмоқда. Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб вазиятдан келиб чиқиб, ўқишга қабул қилиш ҳамда имтиҳон тартибда муайян ўзгаришлар жорий этилди. Мазкур жараёнда илмга чанқоқ ёшларни қатор саволлар қизиқтирмоқда.

Газетамизнинг ўтган сонидан эълон қилинган савол-жавобларни давом эттирган ҳолда, бу гал ҳам мавзу юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига боғландик.



Саволларга Давлат тест маркази бош мутахассиси Жамшидбек ОДИЛОВ жавоб берди.

**?** Ота-онам ички ишлар органи ва мудофаа соҳасида хизмат қилаётгани учун мен ўқишга киришда имтиёз берувчи иккита тавсияномага эга бўлдим. Тест синовларида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун ажратилган 5 фоизли квота билан ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига бериладиган 3 фоизли квота умумий ҳисобланадими?

**Н. АБДУСАТТОРОВ**  
Янгийўл тумани

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 1-сон баёнига мувофиқ, ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандларига ажратилган қабул кўрсаткичлари олий таълим муассасалари кесимида, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига ажратилган қабул кўрсаткичлари вазирлик (идоралар) кесимида тақсимланган. Бунда уларнинг қабул кўрсаткичлари умумий ҳисобланмайди ва танлов алоҳида ўтказилади.

Шуни қўшимча қилиш лозимки, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига ажратилган қабул кўрсаткичларида Ички ишлар вазирлиги учун ҳам 118 та жой ажратилган бўлиб, мазкур имтиёз ҳарбий хизматчининг фарзанди сифатида тақдим этилган тавсияномага эга абитуриентларга нисбатан жорий этилади.



**?** Биламизки, тест ўтказиладиган бинода абитуриентлар тўпланиб, одамлар гавжумлашади. Ушбу шароитда тиббиёт ниқобини тақиш билан бир қаторда, тестда қатнашувчиларнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя этиши ва уларни инфекциядан ҳимоя қилиш борасида Давлат тест маркази томонидан қандай ишлар амалга ошириляпти?

**Ж. ШОНИЁЗОВ**  
Бухоро тумани

**Жавоб:** Давлат тест маркази томонидан тест синовларини санитария-гигиена талабларига риоя этилган ҳолда ўтказиш бўйича алоҳида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан:

- тест синови ўтказиладиган ҳудудларнинг кириш қисмида антисептик воситалар билан жиҳозланган столлар ва бино ичкарасида биринчи тиббий муолажа пункти ташкил этилади;
- ҳар бир ҳудуд навбатчи тез тиббий ёрдам машинаси билан таъминланади;
- тест синовлари ўтказиладиган бинолар ҳар бир сменадан олдин ва кейин шамоллатилади ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ходимлари томонидан дезинфекция қилинади;
- бинога киришдан олдин абитуриентлар дезинфекция йўлагидан ўтказилади;
- уларнинг тана ҳарорати ўлчаниб, ҳар бир абитуриент алоҳида янги тиббий қўлқоп ва ниқоб билан таъминланади;
- тест синови ўтказиладиган ҳудудга киритишда тана ҳарорати 37 градусдан юқори бўлган абитуриентлар тест синовларига киритилмасдан далолатнома тузилиб, тиббий текширув ўтказиш учун ҳудудга бириктирилган тиббиёт ходими-га топширилади;
- Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги тиббий текширувдан ўтказилган ва коронавирус касаллиги аниқланмаган абитуриентлар учун республика бўйича тест синовлари тўлиқ яқунлангандан сўнг тўртинчи кунни тест синовлари ўтказилади.

Ҳозирги кунда тест синовлари ўтказиладиган бинолар совутиш ва вентилация тизимлари билан таъминланган бўлиб, биноларда абитуриентларнинг ижтимо-

ий масофа сақлашлари учун 3 квадрат метрдан кам бўлмаган жой ажратилмоқда ва биноларнинг ҳолати бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигидан тегишли хулосалар олинмоқда.

Умуман олганда, бу борадаги барча ишлар Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва Республика махсус комиссияси билан келишилган ҳолда, уларнинг тавсиялари асосида амалга ошириляпти.



**?** Айрим сабабларга кўра, абитуриент карантинга олиниб, тест топширадиган кунда имтиҳонда иштирок эта олмаса, нима бўлади?

**У. ХАЙРУЛЛАЕВ**  
Хонқа тумани

**Жавоб:** Агар тест кунигача тегишли ташкилот унинг соғайганлиги тўғрисида маълумот берса, тестга кўйилади. Агар ўзининг тест топширадиган кунда карантинда бўлса, барча тест синовлари тўлиқ яқунланганидан сўнг тўртинчи кунни имтиҳонга кириши мумкин. Агар қўшимча тест кунда ҳам карантинда бўлса, унда абитуриент кейинги йилда тест синовларида иштирок этиши мумкин бўлади.



**?** Олий ҳарбий таълим муассасасининг рус гуруҳида ўқиш учун ҳужжат топширганман. Аммо фанлар кетма-кетлигида мос 5 та бакалавриат йўналишини ўзбек гуруҳи этиб танладим.

Борди-ю, курсантликка тавсия этилмасам, рус тилида топширилган тест синовларида тўплаган балларим ўзбек гуруҳидаги 5 та таълим йўналишида инобатга олинадими?

**Т. МУҲАММАДИЕВ**  
Қўқон шахри

**Жавоб:** Жорий йилда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентлар ҳарбий бўлмаган олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларини танлашда қайси тилни белгилаган бўлсалар, мана шу тилда тест топширадилар.

Демак, бу абитуриент ўзбек тилида тест топширади ва мазкур тест натижаси олий ҳарбий таълим муассасасига ҳам ҳарбий бўлмаган олий таълим муассасаларига ҳам асосли ҳисобланади.

«Vatanparvar» мухбири  
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ тайёрлади.

## ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

Бу йил ёз қайноқ келди. Томорқада сувсизликдан сарғайиб, бандини кўтаролмай қолган қўчатларни, қилт этган шабадасиз қарахот қотган дарахтларни кўриб, аянинг юраги куйди. Кимсасиз қолаётган уйига бир зум тикилиб турди-да, қалтироқ кўллари билан ҳассасига қўл узатди. Сўнг қаршисида мунғайиб турган қизига, «Чилла кирди, болам», деди аста.

Бу уйда эри раҳматлининг навқиронлиги, ўзининг ёшлиги, ўғил-қизининг болалиги ўтган. Ҳар бир ғиштида, гуваласида қанча яхши хотиралар бор ахир. Шу ёшда остона ҳатлаш, кетиш учун инсонга қанчалик бардош керак? Кетиш бу кечиш деганими ўзи? Агар шундай бўлса, у аввало ўзини ўзи енгизи, изтироблардан азиз хотираларини устун кўймоғи керакмасми? Яна у она бўлса! Қайси она ўз боласидан хафа бўлибдики, ая аразласа. Бундоқ кўнглига қулоқ тутса, дили чиндан ҳам оғриган. Лекин қай бармоғини тишласа ҳам оғрийдими, шундай экан боласи, чидамай қайга борсин. Ая ортига бир қараб қўйди-да, эшик илгичини омонат илдириб, қизи ва куёви ёрдамида ҳовлидан чиқди.

Ўзи фалокат босиб, қизи келиб қолмаганда жимгина ётганда айвонда. Таътил бўлгани учун кичкиналар қариндошлариникида, келин эса кенжасини кўтариб, онасиникига кетган. Нонуштани шошиб тайёрлаган келини хайрни ҳам насия қилиб шошганича чиқиб кетган, ая эрталаб айвонга чиқарилгани бўйи қолиб кетган. Баланд қилиб солинган иморатта кўрк бергучи очик айвонда тоза ҳавода теваракни кузатиб ўтириш, айниқса тепангда қалдирғочларнинг чуғур-чуғури эшитилиб турса қандай тотли. Ая то пешин вақтигача шу ерда ўтиради. Қуёш тиккага келиб куйдира бошлагач, келиними, набираларини кўтариб, сояга ўтказиб қўйишади. Унғача биров ёнига келмайди, вақтлари йўқ ҳеч бирисининг. Ая ҳолсиз қафтлари билан хира пашшаларни ҳайдаб, бир нималарни ғудраниб ўтиради. Гоҳ набираларига ҳовли четига райхонлардан узиб беришини сўраса, гоҳи томоғи қақраб, чой дамлаб беришларини сўрайди. Эшитишса-ку яхши, эшитиб эшитмаганга олса, чора йўқ.

Юролмай қолганидан бери аянинг дарди дунёси қоронғи. Йўқ, у оёқ оғриқлари бора-бора шундай ҳолга туширишини биларди, бунга у руҳан тайёр эди. Намозини ҳам ўтирган жойида ўқишга тайёр, лекин уни ҳар куни ювиб-тараб қўядиган қизи борми ёнида. Гулсум нариги қишлоқда бўлса, набираларнинг ҳаммаси ўғил бола. Келини қозон-товоқдан бўшамайди. Шу томонини ўйлаб, виждони сил бўлади аянинг. Яна бир томони, уни яқинларининг кўзларидаги малол қийнади. Келинига, ўйин-кулгига ўч набираларига, энг ёмони ўғлига малол келишидан қийналади. Ҳар куни ошкор айтишмаса ҳам, нигоҳлардаги сўзларни яшириш мушкул ахир.

Гулсум тупроқлари кўпчиган кўчадан терлаб-пишиб кириб келаркан, эшикдан кириши билан кўзи бирдан айвонда ётган онасига тушди. Тушлик пайти бўлганидан ҳаво қизигандан-қизиган, онаси бўлса кўзларини юмганча деворга суюниб қотиб ўтирарди. Онасини бу аҳволда кўриб, Гулсум бир қор ҳол юз бердики, деб, додлаганча ўзини аянинг устига отди. Сўнг кўзларини хиёл очган онасини кўриб, йиғлай кетди!

– Шу кунларга қолдингизми, онажоним? Исикларда куйиб-ёниб ўтиришингизни қаранг. Сояга олиб қўйишса бўлмайдим, жонинг чиққурлар! Ўзлари салқинга кириб ухлаб ётишибдими? – дея тўрдаги ўқасининг хонасига қараб вайсаганча аяни кўтариб уйга олиб кирди. Исик анча ўтган экан, ая ҳа деганда ўзига келолмай, лоҳасланиб, пиёладаги совуқ чойни секин-секин ҳўплади. Гулсум эса қарғана-қарғана гапида давом этди:

– Қарамаса, ана, меникига борасиз! Офтобда қоқи бўладиган онам йўқ менинг! Бу биринчи марта эмас, қачон келсам, на чойингиз бор, на тайин жойингиз. Олиб кетаман, бугуноқ олиб кетаман!

Ая эзилиб йиғлаётган қизининг рўмоли остидан чиқиб турган сочларини, қавариб кетган кўллари билан тиради. Қиз бола-да, бировнинг хасми, йиғлашдан бўлак нима қилсин? Онамлаб йиғлайдиганим шу, дея ўйлади ая.

– Энди уйда одам йўқлиги учун шундай бўлдида, ундай дема, қўй, болам. Сеникига қандай бораман, куёв олдида уят бўлар-ей. Иккита гунгурсдек ўғли бўла туриб, меникига сингинди бўлди демайдими, қароғим? Эл-юрт эшитса, яхши бўлмас, – деди апил-тапил онасининг кийимларини тугунга солаётган қизининг шаштидан туширишга уриниб. Гулсум бўлса кўнмади. Эрини чақиртириб, нарсаларни тугиб, машинага жойлади. Ая анча ўйланди. Ёстиғи

тагидан дастрўмолига тугилган пулни оларкан, ўғли Содикжоннинг тунов кунги жеркиши ёдига тушиб, кўкси музлади.

Ўша куни уйга почтачи Саидғани нафақа пулини олиб келган, «Бу гал маошингиз анча салмоқли ая, нафақалар ошди. Энди Содикжон сизни Маккага олиб бормаса бўлмайди», деганди оғзи қизиб. Бу гапни атай айтганини ўғли сизди. Чунки яқинда кўшниси Муроджон онасининг нафақа пулини йиғиб, қолганига қўшиб, Ҳаж сафарига юборганини эшитганди. Онаси ундай узоқ сафарларга боролмаса ҳам зиёратгоҳларга олиб боришини истаганини биларди. Лекин унга вақт қани, қунт-чи? Содикжон пулларни санаб оларкан, «Бу пуллар аянинг битта дорисига ҳам етмайди-ю, Маккатилло дейсизми, Саидғани ака? деди. – Кейин ўзига хайрон боқиб турган почтачига: – Аянинг харажати ойда бир келиб сиз қаерданам билардингиз? Гапираверасиз-да», деди киноя билан. Чой қуйиб узатаётган келини эса, «Ундай демангей, аяма хафа бўладилар», дегани, «Хафа бўлмайди, бўлса нима, тўғри-да. Аяма ҳам бир боладек гап. Касал касал эмас, касал боққан касал, дейишади-ю», деганини, почтачи эса, «Ҳаҳ, ўқамей. Мен бир яхши ниятда айтдим-да. Аммо сен бекор қилдинг, ўқа», дея дўпписини бошидан олиб, қафтга қоқиб чиқиб кетганини эслади. Ая ҳозир шуларни хотирларкан, савол назари билан қараб турган куёви Насимжонга сездирмади: – Майли, Собитжонникига олиб борақолинглар, бир-икки кун туриб келарман. Набираларимниям кўрмаганимга анча бўлди. Соғинди одам. – деди оҳиста. Насимжон эса, «Бизиякига юринг, ойи, балалар хурсанд бўлишади», деди кулимсираб. Ая ўғлидек бўлиб қолган куёвининг сўзларида сохталик сезмади, яхши бола-да, кўнглида гидир йўқ, ўйлади ая.

## ЧИЛЛА

Онажон хира кўзларини машина ойнасидан ташқарига тикиб бораркан, ўз-ўзига гапиргандек, Содикжонга ҳам осон эмас, бир этак бола, яна касалманд она. Эрта кетиб, кеч қайтади. Чарчаниданми, баъзан онасининг ёнигама қирмайди. Майли, омон бўлишсин, ўзинг паноҳингга асра, Аллоҳим, деди. Гулсум эса ҳеч нарса демас, пириллаб, кимнидир дуо қилиб кетаётган онасига қараб-қараб қўяра, бағри эзилар, кўллари билан онасининг нозик қафтларини силаркан, шу тобда акаси Собитжон уларни қандай қутиб олишини ўйларди. Жўжабирдек жон бўлишса, яна келинойисининг қош-қовоғи бор.

Таниш маҳаллага буриларкан, кўча бошида Гулсум велосипедда катта кўчага чиқиб келаётган акасини кўриб қолди. Дўнглиқдан паस्ताётган машина четга чиқиб тўхтади. Гулсум дарров машинадан тушиб, акасининг ёнига борди. Собитжон машинадаги онасини кўрдими-кўрмадим ая билмади, бироқ қутилмаганда келаётган меҳмонлардан хайрон бўлиб, унинг сингисини билан хушламай хўшлагани сезилди.

– Шунга гаплар, ака, шунга сизникига келаётгандик, – деди Гулсум кўрганларини куйиниб Собитжонга айтар экан. Акаси велосипедига суюниб, бармоғидаги тамақини бир ютоқиб тортиб, чиқарди-да:


– Ўйлаб гапирясанми сен? Меникида нима қилади ая? Уйимга совчилар қатнаётган бўлса, ҳадемай тўй қилсам. Ўзи катта ўғлимни қаерга чиқарсам экан, деб турибман-у, аяни қаерга қўяман? Кейин кампир одам бизникига кўнолмайди. Чақирсам ҳам ўйлаб келарди-ку, зиналаринг баланд, деб. Кейин бу ёшда аразни ким қўйибди аяма? Бор, тез уйига қайтар! Одамлар нима дейди? Собитжоннинг онаси у уйдан бу уйга аразлаб юрганмиш, демайдими? Содик билан ўзим гаплашаман.

Гулсум акасининг гарларига анграйиб турди-да: – Вой, ака, нималар деясиз, нима, ойим уйингизга сизмайди? Шундай демоқчимсиз? Одамлар дейсизми, сиз онами ўйласангиз-чи! Содикникида қарашмапти, тушунапсизми? Укамга аянинг пули керак. Шифокорга олиб бормаса,

қолинг нима, деб сўрамаса. Кўнглингиз нима тусаяпти демаса. Нимага ўйланасиз, ака? Уй-жойингиз етарли-ку! Ё келинойимдан руҳсиз олиб берайми? – деди жаҳл билан. Собит эса кўлидаги тамақини ерга улоқтирди-да:

– Менга ақл ўргатиш сенга қолмаган, хўпми? Хўш, нега сеникига сизмаепти унда, а? Жуда меҳрибон экансан, қара сен ҳам. Заҳматини торт, фарзандисан-ку! – деди акаси. Гулсум акасини биринчи марта кўраётгандек кўзларини катта-катта қилганча бир зум қотиб қолди. Қафтини лабига босиб:

– Гапирманг, илтимос, бошқа гапирманг, – деди бўғилиб кўксини чангаллаганча. Боядан бери



ака-сингилнинг суҳбатига қўшилмай турган Насимжон эса шартта машинадан тушди-да:

– Гулсум, бас қил, кетдик уйга! – деди ва машинани ўт олдириди.

Шу пайт орқа ўриндиқ томондан, «Худойим, оёқдан қолдиргунча, қулоқдан қолдирсанг бўлмасми-и?!» деган ўқирик эшитилди. Собит эса ҳозиргина сингисини чиққан машинага шарт ўғирилди-ю, катта хато қилганини сезиб қолди. Кўчанинг у юзига ўтиб, онаси томонга ошиқаркан, шахд билан жойидан жилган машина ортидан тек қотганча қараб қолди.

Кун қизигандан-қизиб борар, кўқдан тушаётган тафт ердан кўтарилар, шу онда чилла ҳавоси машинани оташхонага айланттирар, очик ойналардан иссиқ ҳовур қирар, аянинг кўкси ёниб, лаблари қақраб, юраги куйиб борар, Гулсум ҳам онасига қўшилиб ўқиб-ўқисиб йиғлар, Насимжон эса икки аёлни қандай овутишни билмай, улловни тезлатгандан тезлатарди...

Маъракага тумонат одам йиғилди. Умри меҳнат-да, дили ибодатда ўтган аяни ҳурмат қилган қишлоқ аҳли марҳумани сўнгги манзилга кузатиш учун кўшни қишлоққа жанозага келишди. Акаси гапириб, маҳалла аҳли аралашса-да, Гулсум онасини ўқасининг уйдан чиқиб кўнмади. «Тиригида иззат қилмаган, уволидан чўчимаган, кейинги маломатлардан кўркмай қўя қолсин!» деб туриб олди.

Шу куни акаси билан тобутни даст кўтарган Содикжон чунон йиғладики, ўпқасини босолмасди. Почтачи Саидғани ака қовоқлари шишиб кетган Содикжонг ёнига келди-да:

– Бандачилик, иним, охирати обод бўлсин, илоҳим, – деди секин. Кейин ён-верига аста назар ташлаб: – Аянинг яна икки ойлик нафақаси берилади. Шуну марҳума чиқарилган уйга олиб келиб берсам, нима дейсан? – деди оҳиста. Ҳозиргина бурни шўлқиллаб, ёшини тиёлмаб турган Содик бирдан атрофга олазарак қараб олди-да:

– Нималар деясиз, Саидғани ака? – деди почтачига яқин келиб: – Секинроқ, поччам эшитмасин. Пулни индамай ҳар доимги жойига олиб келаверинг, – деди почтачи бу гал нима деярни билмай бир дам серрайиб турди, сўнг уфққа олганиб ботаётган офтоб томон силжиётган тумонат сари оғир қадам ташлади...

## КАДРИЯТ

Қорақалпоқ аёли! Сен менга жон томиримдан ҳам яқин ва азизсан. Қорақалпоқ халқининг тарих саҳифаларидан ўчиб кетмасдан, бугунги кунларгача етиб келишида ҳиссанг катта. Сен «сел буршақтан палапандини қорғаган кекилик қуссан», ғолиблар билганича ёзадиган, талон-торож қилинган тарихсан!.. Эрназар, Маманбийди камолга келтириб, Айдосбий билан бир сафда золимга қарши жанг қилган ботирсан! Қорақалпоқлар бежиз «Алп онадан, тулпор биядан», дейишмайди.

Қорақалпоқ аёли, деганда, ушлаган жойини узмасдан қўймайдиган «ғайбар», нозини қайсарлиги ортига яширган «саўлатлы», киймешек ва саўкеле кийган жаннат соқчилари кўз олдимга келади.

### «Қирқ қиз» достонидаги Гулайим


Қорақалпоқ диёри, нўғайли уруғи яшайдиган Саркўп шаҳрида Оллаёр исмли бой ўтган бўлиб, молнинг тўрт турига эга бекамикўст азамат эди. Унинг олти ўғли ва яккаю ягона Гулайим исмли қизи бўлган. Гулайим сўзга чечанлиги билан ёшлигиданоқ тилга тушган. У Хоразм юртидан Арслон исмли йигитга кўнгил қўяди. Аммо кўп ўтмай, Эрон шоҳи Нодиршоҳ ва қалмоқ хони Суртайша шаҳарга хужум қилади, ота-онаси, акаларини ўлдирди. Эрксевар Гулайим ҳиссиётларга берилмай, Ватанини душмандан сақлаш мақсадида кўшин тузади. Қалмоқ лашкарини тўқсон кунда ер тишлатади.

Достоннинг «Қирқ қиз» деб аталишида ҳам катта маъно бор. Чунки қўшиндаги қирқ қиз бошқалардан кўра мардлиги, аёл бўлишига қарамасдан чапдастлиги билан ажралиб туради. Эпосда бир эпизод ҳар доим тарихчи ва санъатшуносларни қизиқтириб келган. Яъни қирқ қизнинг жангда кийган бош кийими – саўкеле ҳозирги кунгача сақланиб қолганлиги достоннинг реал ҳаётдан олинганлигидан дарак беради. Демак, ундаги қаҳрамонлар тарихий шахслардир. Бу бироз жиддий, хийла баҳсталаб мавзу...

### Подшоҳнинг тожи

Ватанини душманлардан ҳимоя қилган саркарда аёлларнинг жанговар «шлем»и ва-зифасини бажарган саўкеленинг келиб чиқиш тарихи қадимги сак-массагетлар матриархат даврига тўғри келади. Саўкеле форс тилидан олинган бўлиб, «Шо куло», яъни подшоҳнинг тожи деган маънони билдиради. Шунингдек, безалиш услубига қараб, сарой амалдорларининг қандай вазифа бажаришини белгилаб берган. Масалан, саўкеле қимматбаҳо дурлар билан безатилса, уни шоҳлар, маликалар,

# ДОВОНЛАРДАН ОШГАН САЎКЕЛЕ



подшо, йигит вазир», деган маъно айнан шу тошдан олинган экан.

Кейинчалик ҳокимият эр йигитлар қўлига ўтгандан сўнг саўкеле қорақалпоқ қизларининг безак буюми сифатида қўлланилган. Келиннинг энг қадрли либоси ҳисобланган саўкеле, шоҳона кўринишда бўлиб, орқа қисмига миллий нақшлар «халақиси», олд томони пастга чўзилган қимматбаҳо мунчоқлардан безатилиб, у «бойда» деб номланган. Бош кийимнинг тепаси гумбаз кўринишида бўлиб, «тумоқ» деб аталади. Ички тарафи кигиздан, ташқи томони қорақалпоқларнинг «ушиға» матосидан тикилган.

Тарихдан то бугунгача қорақалпоқ қизлари турмушга узатилаётганда саўкеле билан узатилади.

### «Саған жете алмаған саўкеле»

Саўкеленинг тикилиши, безатилиши мураккаб бўлгани учун Қорақалпоғистонда фақат Айбергел, Аманбек, Сапар ва Арзимбет заргарлар томонидан ишланган.

**Айгул ПИРНАЗАРОВА, Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи этнография бўлими раҳбари:**

– Чор Россияси даврида тарихий мерослар оёқ ости бўлгани учун қорақалпоқ халқининг кўпгина заргарлик, каштачилик буюмлари, ноёб китоб нусхалари улар томонидан тортиб олинган. Музейимизда қадимги саўкеледан бир дона қолган. Чунки бу бош кийимининг асл нусхалари Москвадаги Шарқ халқлари этнографик, шунингдек, Санкт-Петербургдаги этнография музейларида сақланади. Музейимиздаги бу қимматбаҳо ёдгорлик музей асосчиси И. Савицкий томонидан Мўйноқ тумани Қозоқдарё қишлоғида истиқомат қилган Гулзийра Алламбергеновадан олиб келинган. Бу саўкеле авлоддан авлодга ўтиб, 6-7 аср сақланган. Саўкеле музейга топширилмаган пайтда деярли яроқсиз ҳолда бўлган. Москвадаги академик И. Гравар номидаги тарихий буюмларни реставрация қилувчи музейда асл ҳолига мослаб қайта ишланди.

Саўкеле нафақат қорақалпоқ халқининг, балки дунё этнографиясининг энг ноёб дурдонаси ҳисобланади. Чунки Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи авангард йўналиши бўйича жаҳонда иккинчи ўринда туради. Музей санъатга, тарихга қизиқувчи сайёҳларнинг доимо эътибор марказида. Чет эллик сайёҳларнинг кўпчилиги асосан олимлар ҳисобланади. Улар соатлаб, ҳатто кунлаб шу ерда қолиб, ҳар бир экспонатни ўрганишади. Айниқса, уларни саўкеленинг яратилиши, тикилиши, безатилиши қизиқтиради. Саўкеле жаҳондаги нуфузли кўргазмалардан ўрин олган. Қорақалпоқларнинг жанговар бош кийимидан безак буюмларни сафига ўтган саўкеле ҳали-ҳамон яшаб келмоқда. Бундай қадимги буюмлар жуда кўп. Масалан, чўғирма, телпак, кўк кўйлақлар ҳам алоҳида тарихга эга.

**Айжамал МАХСЕТБАЙ қизи**

## ЧЎГИРМА

*Турмушимиз янги бўлган сўнг энди,  
Кийимлар ҳам кўчган янгича турга...  
Айтсам сен ҳақингда эшитганимни,  
Боболарнинг бош кийими – чўғирма.*

*Бир отинг телпакдур, бир отинг кураш,  
Қадим замонлардан машҳурлигинг рост.  
Қанча бошлар билан сен бўлиб сирдош,  
Қанча доволардан ошдинг, чўғирма.*

*Аввал пайдо бўлдинг кимнинг бошинда,  
Оролбўйи, Эдил, Ёйиқ қошинда.  
Ун асрли рус солномасинда,  
Қувондим номингни ўқиб, чўғирма.*

*Араби, шерози бойларда бўлди,  
Сени кийиб улар тўйларда бўлди,  
Дурни кўкда, кўнгли ойларда бўлди,  
Баври кўп мураккаб бўлган чўғирма.*

*Эркин қанот қокди озодлик қуши,  
Ариди умрнинг қаҳрли қиши.  
«Замонга қараб яшайди киши,  
Янгича яшангиз», дединг, чўғирма.*  
Ибройим ЮСУПОВ

агар оддий тошлардан безак берилса, саройдаги энг қадрли аёллар, яъни энага оналар кийишган. Аммо асосан саўкелени жангчи аёллар урушда ҳимоя воситаси сифатида ишлатган. «Қирқ қиз» достонидаги саркарда аёл Сарвиноздан: «Сени шунча ўқдан нима сақлаб қолди?» деб сўраганда саўкеле, деб жавоб беради.

Ундаги йирик, қимматбаҳо тош «саўкеле жилғаси» деб аталиб, халқ орасида «қиз

## 30 ИЮЛЬ – БУТУНЖАҲОН ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Ойнура (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўттизга тўлмаган ёшгина бошига одам савдосининг ўлжаси бўлди. Аччиқ тақдирини ёритиш учун ундан ўтмиши ҳақида сўраш менга қанчалар оғир бўлса, суҳбатдошимга ҳам ўша мудҳиш хотираларини ёдга олиш икки қарра азоб. Аммо муродимиз бир инсоннинг бошига тушган кулфатни кўз-кўзлаш эмас, бу офатдан бошқаларни огоҳ этишдир.

У болалигидан энг нуфузли олийгоҳда ўқиб, бир олам ойдан орзуларига эришишни ниёт қилган эди. Ўқишга ҳужжат топширишга улгурмай, ота-онаси унинг раъйига қараб ўтирмай, турмушга узатди. Ёш оила эгаларининг қўлида на касб-кор, на хунари бор эди. Боз устига, кувёб бола эрка, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган, ишқемас чиқди. Рўзғор юритиш кўпроқ Ойнуранинг гарданига тўшди. Гоҳида энага, гоҳи овқатланиш шохобчаларида официант бўлиб ишлади. Бир неча кун ишга чиқмаса, уйда икки фарзанди учун тишга босгулик ҳеч вако қолмасди, камига улар қаторига текинхўр эри ҳам қўшилганди. Вазият ўнганмагач, болаларни ўзим боқиб оламан, дея оиласидан ажрашди. Шу алфозда ижарага уй олиб яшадди. Начора, ота уйига қайтай деса, қўли калта, серфарзанд оиланинг ташвиши ўзига етарли. Ҳаммасига матонат, бардosh билан чидаши керак.

Шўрлик аёлнинг арзимас чой-чақани рўзғорга етказолмай, тинка-мадори қуриган бир пайтда шахарлик таниши ёдига тушди: Турсуной ўзи билан бирга официантлик қилиб, сўнг Туркияга ишлагани жўнаган. Энагалик қиламан деб кетганига икки йил бўлди, анча маош тўплагандир. Шундай хаёллар билан дарров дугонасига сим қоқиб, ҳол сўрди. Турсуной бир йил олдин Туркиядан Таиландга келгани, бу ерда иши жуда созолиги, ҳатто тил билиш шартмаслигини айтди. Онаси ва келинройиси ҳам ёнида эканини қўшимча қилди. Суҳбат орасида Ойнура кўнглини ёрди. Ҳозирги аҳолидан ёвғириб, ундан имкон бўлса, оқсоч ёки идиш ювувчи бўлса ҳам иш топиб беришни сўради. Суҳбатдошининг яқин бир кафедра фаррошликка эълон берилгани, ойлиги 800 АҚШ доллари деб айтгани бечора жувоннинг ичига бамисоли чўғ солди. Бунга сезган Турсуной бу ерда уни онаси ишга жойлагани, дугонасига ҳам мос иш топишини маълум қилди. Агар ишлашга келса, ижара уйдан ётоқ жой ажратилиш учун онаси билан маслаҳатлашиши, дугонасининг қандай инсон эканини билиши учун кейинроқ «ИМО» орқали кўнгирак қилишини билдириб, хайрлашди.

Кечки пайт Турсуной сим қоқиб, телефонини «Онам», дея ёнида турган аёлга берди. Ўзини Шоҳиста деб таништирган онахон Ойнурадан ёшани, қўлидан нима иш келишини сўраб билгач, «Истараси иссиқ қиз, маъкул», деган хулоса берди. Мулоқот шу билан узилимади. Шоҳиста опа ўзга юртга чиқиш учун виза олиш кераклиги, бу масалани танишлари орқали 3-4 кунда ҳал этиши мумкинлигини қистириб ўтди. Ойнура бу ишбилармон опага йўл тадориги учун етарли маблағи йўқлиги, ёнига бориб олса, барча харажатларни қоплаб беришини илтимос қилиб, розилигини олди.

Тез кунда авиабилетларни сотиш ва хорижий давлатга виза расмийлаштириш билан шугул-



**Одам савдоси – инсон ҳаётининг ашаддий кушандаси. Худуд ва чегара билмас муаммо сифатида эътироф этилаётган бу жиноят дунё халқларини ҳам ташвишга солмоқда. Маълумотларга қараганда, одам савдосидан энг кўп жабрланаётганлар асосан ёшлар ва аёллардир. Кейинги йилларда норасида гўдақлар, чақалоқлар савдоси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ортаътаврияда ташвишланарли. Ушбу трансмилий жиноятнинг қурбонига айланиб қолаётганлар тақдири эса ўта аянчлидир.**

ланувчи фирмалардан Ойнурага кўнгирак қилиб, авиабилети тайёрлиги, уни паспортга қўшиб олиб кетиши мумкинлигини айтишди. Турсуной ўзлари яшаётган уйнинг суратларини интернет орқали юборди. Ойнура қошона уйларида яшаётган, боғларда кезган, тиниқ сувларда сузган ҳолатда хаёл сурди. Кундалик ташвишларини кўз олдинда тасмадек ўтказган Ойнура болаларини опасиникига қолдириб, қайтиб келгунинча оч қолдирмасликни илтимос қилди.

Самолёт Таиланднинг юрагига – Бангкокка қўнди. Аэропортда боғхона текширувидан ўтиб, кутиш залига бораётган жувоннинг юраги ўйноқлади. Шоҳиста опа одамлар орасидан чиқиб, уни илиққина кутиб олди. Бу уйда Турсунойдан ташқари яна икки қиз ҳам яшаркан. Тамадди қилиб олишгач, Шоҳиста опа Ойнуранинг паспорти, пулларини олиб, ўзида сақлашини айтди. Сўнг асл мударрага кўчди: Ойнура виза ва йўл харажатларини қоплаши учун кунига 100 АҚШ долларидан ишлаши керак. Шундагина бир ойда қарзидан қутулиши мумкин. Бунинг учун ҳар кун тунги клубга бориб, мижозлар кўнглини олиш лозим. Жувон эсанкираб қолди.

– Ахир... бошқа иш дегандигиз... – лол қолди у.

– Бу ишни телефонда айтиб бўлмасди, – дўк уришга ўтди уйнинг каттаси. – Сизларни Турсуной кузатиб боради. Қочаман деб хомтама бўлма. Бунга уринганлар минг пушаймон бўлган. Полиция билан муносабатим яхши, қўлим ҳамма жойга етади.

Шу тариқа уйдаги қиз-жувонлар Шоҳиста опа тайинланган таксидо шахардаги гавжум тунги клубга катнай бошладилар.

...Уч кунки, пул ишломлай қайтганидан ғазаб отига минган Шоҳиста опа Ойнурани роса дўппослаб, камига овқат ҳам бермади. Йигидан кўзлари ачишиб, тепкилашлардан бадани моматалоқ бўлиб, хушидан кетди. Кейин туш кўрди: ўзини маҳалладаги қўшни қизалоқлар билан ўйнаган болалиги, отаси ишдан келгани, онасининг тансиқ таомлари, икки боласи, бутун оила дастурхон атрофида жамулжам ўтирганини кўрди. Сўнг



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодани сканер қилинг.

ортларидан бораё деса, юролмас, бадани зирқирарди... Кўзини очди. Ўлиб қолдим, деб ўйлаган қизлар унинг кўзини очганини кўриб тинчланишди.

Ойнура... Осмон қадар орзуларинг армон бўлди. У аввал ўзимни ўлдираман, деб қарор қилди. Ўлдирилмади. Дунёнинг кажрафторлигидан додлаб йиғлай бошлади. Қандай бўлмасин, қочиш режасини тузди.

Шоҳиста опа ўша кечаси уни пули олдиндан олинган мижозга топширди. Улар меҳмонхонага келгач, йигит унга ташланди. Ойнура шу онда эркакка қаршилиқ кўрсатиб, унинг мастлигидан фойдаланди ва меҳмонхонадан чиқа солиб, таксидан элчихонага олиб боришни сўради. Йўлда кетар экан, Ойнуранинг кўз ўнгида юрти, ота-онаси, икки норасидаси гавдаланди. Хайриятки, Ўзбекистон Республикасининг

Таиланд Қироллиги Бангкок шаҳридаги Бош консулхонаси кўмағида у она Ватанига қайтарилди.

Шоҳиста Соатова эса интерполда қидирувда бўлиб, унинг манзил-макони ҳуқуқ-тартибот идораларига ошкор бўлди. Жиноятчи уйда қўлга олинди. Шоҳиста опа неваралар ардоғида айни кексалик гаштини суриши ҳам мумкин эди. Боз устига, у муқаддам судланиб, амнистия қарорига асосан жавобгарликдан озод қилинган. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлайридек, у тақдоран мудҳиш қинғирликларга қўл урди. Маълум бўлишича, Турсуной ҳам унинг фарзанди эмас экан.

У ўзи каби оиласидан ажрашиб, муқаддам судланган, этагида икки фарзанди қолган Турсуной билан олдиндан жиноий тил бириктирган. Бир неча хотин-қизларни яхши ойлик маош берадиган ишларга жойлаштириб қўйишни ваъда қилиб, алдаб, уларни Ўзбекистон худудидан олиб чиққан ҳолда, Таиланд Қироллиги Бангкок шаҳрига олиб бориб, шахвоний йўллар билан пул ишлаб беришга мажбурлаган. Қочийшга уринадиган бўлишса, зўрлик ишлатиш, қаматиб юбориш билан ўрқитиб, учинчи жиноий шеригининг доимий кузатувиға қўйиб, фоҳишалик қилишга мажбурлаб, одам савдоси жиноятини содир этган.

Ойнура дунёга келиб, не рўшнолик кўрди?! Таҳқирланган номус, алданган умид, булганган соф туйғулар. Аммо топталган тақдирига тасалли бўлгулик Ватани бор, яқинлари бор. Кемтик кўнглини кўзининг оқу қораси – фарзандларининг меҳр-муҳаббати тўлдиряпти. Мана, орадан қарийб бир йил ўтди. Вақт унинг дардиға даво бўляпти. Жамиятдан бегона бўлиб қолмади. Ота-онаси, фарзандлари учун фаол ижтимоий ҳаётга қайтди. У вилоят ички ишлар бошқармаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари кўмағида мумкин иш ўрниға эга бўлди.

Сўзимиз сўнгида Ойнуранинг ана шу тақдири ўзгаларға сабоқ бўлишини хулоса қиламиз. Зотан, омонат жонимизға асло тажовуз бўлмасин!

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

## ТИНЧ АҲОЛИ ҲАЛОК БЎЛДИ



Африканинг Судан давлатида, Ғарбий Дарфур худудида жойлашган қишлоқ тинч аҳолисиға уюштирилган қуролли босқин натижасида 60 дан зиёд киши ноубуд бўлди. Бу ҳақда БМТнинг Инсонпарварлик масалаларини мувофиқлаштириш бошқармаси маълум қилган. Мазкур худудда мамлакат ҳукумати ва ноқонуний тўдалар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар 2003 йилдан буён давом этиб, уларнинг оқибатида тахминан 300-500 минг киши қурбон бўлган, 2,5 миллион киши қочоққа айланган.

## ТЕРМОЯДРО РЕАКТОРИ ҚУРИЛМОҚДА



Францияда дунёдаги энг катта термоядро реакторини йиғишга старт берилди. Бу ITER санаот кўламлирида энергия олиш учун

термоядро реакциясини қўллашға қаратилган энг йирик илмий лойиҳадир. Реактор Европа иттифоқи, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея ва АҚШ билан ҳамкорликда қурилмоқда. Реакторнинг ишга туширилиши 2025 йилға режалаштирилган. Лойиҳа муваффақиятли чиқса, унда инсоният деярли тугамайдиган энергия манбаини олиши мумкин. Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## ЭНГ КАТТА ГИДРОСАМОЛЁТ



Хитойда дунёдаги энг катта гидросамолётнинг дастлабки парвози муваффақиятли ўтказилди. New China TV канали YouTube видеохостингиди

ушбу парвоз акс этган лавҳани жойлаштирди. Амфибия-самолёт прототиби синови Сарик денгиз соҳилида жойлашган Циндао шаҳрида бўлиб ўтди. Қутқариш ишлари ва ёнгин ўчиришға мўлжалланган AG600 самолёти ҳавода ярим соатдан ортиқ парвоз қилди. FlightGlobal маълумотиға кўра, 50 нафарғача йўловчини сиғдира оладиган AG600нинг максимал парвоз вазни 53,5 тонна.

## КОИНОТ

# НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

## Биринчи марта содир бўлган

● Коинот сари қилинган биринчи парвоз 1951 йилнинг охирида Нью-Мексика штатидаги Уайт Сэндс шахрида амалга оширилган бўлиб, унда V-2 типидagi ракета ёрдамида стратосферага (85 миля баландликка) Альберт 1, 2, 3 ва 4 лақабли тўртта маймун учирилган. Шартли равишда «Альберт» деб номланган мазкур операция ҳайвонот олами ҳимоячиларининг кескин эътирозларига сабаб бўлмаслиги мақсадида махфий тарзда ўтказилган. Парвоз муваффақиятли яқунланиб, барча маймунлар ерга омон қайтган.

● 1957 йилнинг 3 ноябрида собиқ иттифоқ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган «Спутник» русумли космик аппаратда фазога кўтарилган Лайка лақабли ит Ер яқинидаги орбитага парвоз қилган биринчи жонзот ҳисобланади. Америка матбуотида берилган (аммо собиқ иттифоқ томонидан ҳеч қачон тан олинмаган) маълумотга кўра, 1957 йилда инсоннинг

биринчи космик парвози амалга оширилган. АҚШ манбаларига мувофиқ, космонавт Алексей Ледовский бошқарувидаги ракета Сталинград (ҳозирги Волгоград) шахридан 60 миля узоқликда жойлашган космик марказдан старт олган. Ракета 200 миля баландликка кўтарилганида у билан алоқа узилган. Тахминларга кўра, космонавт Ернинг тортиш кучи таъсиридаги зонадан ташқарида қолган ёки қайтаётган

ган. Ташувчи ракетанинг оғирлиги 6,17 тонна, космонавт жойлашган капсуланинг оғирлиги 2,4 тоннани ташкил этган. «Восток-1» Ер атрофи бўйлаб 203 миля баландликда, соатига 28 000 км тезликда бир марта айланиб чиққан. Ерга омон қайтган биринчи космонавт Гагарин 1968 йилнинг 27 мартада Москва яқинида содир бўлган авиаҳалокат қурбонига айланган.

мазкур аппарат 180 миллион миля масофани босиб ўтган ва ўша йилнинг 18 декабрида Венера сайёрасидан 21 594 миля узоқликка етиб борган.

Ўзга сайёрага кўнишга муваффақ бўлган биринчи космик аппарат собиқ иттифоқ мутахассислари томонидан 1965 йилнинг 16 ноябрида учирилган «Венера-3». Космик кема 1966 йилнинг 1 мартада Венера сайёрасига кўнган.


● Ойга биринчи парвоз 1959 йилнинг 2 январиди амалга оширилган. «Луна-1» русумли совет сунъий йўлдоши Ойга 4 660 миля масофагача яқинлашган.

● 1959 йилнинг 12 сентябрида учирилган «Луна-2» аппарати Ойга кўнган биринчи космик кема. У икки кундан сўнг Архимед кратери ҳудудида ҳалокатга учраган.

● «Луна-9» космик аппарати 1966 йилнинг 3 февралда Ойга юмшоқ кўнишга эришган. Ундан Ерга Ой ландшафти суратлари юборилган, тажрибанинг ўзи эса Ой юзаси кема оғирлигини кўтара оладиган даражада қаттиқ эканлигини исботлаган.

● Американинг «Аполлон-9» космик кемаси командири Нейл Армстронг ва «Игл» типидagi ой модули пилоти Эдвин Олдрин Ойга кўнган биринчи инсонлар ҳисобланади. Улар бошқарувидаги станция 1969 йилнинг 20 июль кuni Гринвич бўйича соат 09.18 да Ойдаги Сокинлик денгиз ҳудудида кўнган. Эртаси кuni Армстронг Ой юзасига қадам қўйган ва кейинчалик машхур бўлиб кетган «Инсоннинг кичик бир қадами – бутун инсониятнинг улкан қадамидир», деган сўзларни айтган. Унинг шериги Олдрин эса 20 дақиқадан сўнг кемадан ташқарига чиққан ва икки астронавт 1 соату 44 дақиқа мобайнида Ой юзасидagi тупроқ ва тошлардан намуналар топган, у ерга лазерли прожектор, АҚШ байроғи ва эсдалик плитасини ўрнатган.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.



вақтида атмосферанинг зич қатламларида ёниб кетган бўлиши мумкин.

Баъзи маълумотларда қайд этилишича, 1961 йилгача ўтказилган муваффақиятсиз парвозларда яна уч нафар космонавт – С. Шиборин (1958 йилда), А. Митков (1959) ва И. Качур (1960) ҳам ҳалок бўлган.


● Собиқ иттифоқ томонидан тан олинган биринчи космик муваффақиятсизлик 1967 йилнинг 24 апрелида содир бўлган ва ўшанда космонавт Владимир Комаров атмосферада ёниб кетган.

● Биринчи муваффақиятли космик парвоз 1961 йилнинг 12 апрелида Москва вақти билан соат 09.07да «Восток-1» русумли космик кемада Байконур космодромидан фазога кўтарилган 27 ёшли Юрий Гагарин томонидан амалга оширилган. Парвоз 108 дақиқа давом этган ва ракета Энгельс шахри яқинида қайтиб туш-

● Биринчи аёл-космонавт Валентина Терешкова 1963 йилнинг 16-19 июнь кунлари В. Биковский билан биргаликда «Восток» космик кемасида Ер атрофини 48 марта айланиб, 70 соату 47 дақиқа мобайнида 2 миллион километрга яқин масофани учиб ўтган.

● Очиқ космосга чиққан биринчи инсон Алексей Леонов 1965 йилнинг 18 мартада «Восток» космик кемасидан ташқарига чиққан ва кемага нейлон трос билан уланган ҳолда 12 дақиқаю 9 сония мобайнида космосда бўлган. Бу вақт давомида соатига 17 500 миля тезликда учаётган «Восток» 3 минг миляга яқин масофани босиб ўтган.

● Биринчи сайёралараро космик парвоз АҚШ мутахассислари томонидан яратилган «Маринер II» станцияси томонидан амалга оширилган. 1962 йилнинг 27 августида учирилган



### АСИРЛАР ОЗОД ЭТИЛМОҚДА



Афғонистон ҳукумати «Толибон» ҳаракатининг 50 дан зиёд аъзосини озод қилди. TOLO News телеканали Афғонистон хавфсизлик кучлари маълумотига таяниб, бу ҳақда хабар қилмоқда. Бундан аввалроқ «Толибон» ҳаракатининг Қатардаги сиёсий офиси вакили Сухайл Шохин толиблар барча афғон асирларини Қурбон ҳайити байрамигача озод этишини ва икки томондан ҳам асирларни озод этиш жараёни ниҳоясига етгач, байрам ўтгандан кейинроқ ҳукумат билан тинчлик музокараларини бошлаши ҳақида маълум қилган эди.

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИДАН НОРОЗИЛИК



Туркменистон Ташқи ишлар вазирлиги «Мир» телеканалда Тожикистон томонидан берилган об-ҳаво маълумотида Эрондан Туркменистон ҳудуди орқали кириб келаётган иссиқ ҳаво оқими туфайли содир бўлиши ҳақида айтилганидан норозилигини билдирди. ТИВ муҳбирнинг хатти-ҳаракатини сиёсий жиҳатдан нотўғри деб ҳисоблади. Хабарда COVID-19 ҳаво орқали юқиши тасдиқлангани, шунинг учун ҳаво оқимлари кириб келишида бошқа бир мамлакат номининг тилга олиниши ножоизлиги айтилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

### КУЧЛИ ЁГИНГАРЧИЛИК ОҚИБАТИ



Кучли ёмғир ёғиши оқибатида Тожикистоннинг Сўғд вилояти Деваштич ва Айний туманларидаги экин майдонлари, йўллар, кўприклар ҳамда аҳоли тураржойларини сув босган. Угук ва Овчи қишлоқларидаги 16 гектар ер майдонидаги экинларни сув босиб, бешта кўприк, беш километрлик магистрал йўллар, 14 километрга яқин сўғориш тармоқлари вайрон бўлган. Йўлсозларнинг бир соатлик уринишларидан сўнг Хўжанд – Душанбе магистрал йўлидаги тошқин зарарлари бартараф этилган ва йўл қатнов учун очилган.

## ТИББИЁТ

Гап аҳоли орасида оммалашган юрак-қон томир, қандли диабет, инсулт, саратон ва бошқа касалликлар устида бормоқда. Баъзилар бундай аҳволга ҳозирги турмушнинг ташвишлари, муҳитнинг тобора кучайиб бораётган ҳиссиётли таъсири сабаб, деса, айримлар ҳаммаси нотўғри овқатланиш тўғрисида, деб исботлашга уринади. Кўпчилик тадқиқотчилар хасталикнинг ҳақиқий сабаби кам ҳаракат ҳаёт тарзи, деган хулосага келмоқдалар.

Юз йил муқаддам инсон кераклигининг 95 фоизини ўз кучи билан бажарган бўлса, ҳозир ана шу ҳажмдаги ишни машиналар удалаяпти. Одам организмнинг 35-40 фоизи мускулдан ташкил топганини ва деярли ҳамма бошқа системалар мускулларни ҳаракатга келтириш учун хизмат қилишини назарда тутсак, аҳвол раванлашади.

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино «Биринчи жисмоний машқлар, ундан кейин тўғри овқатланиш тартиби ва уйқу», деб белгиллаган. У шундай ёзади: «Меърида ва ўз вақтида жисмоний машқлар билан шуғулланганидан инсон ҳеч қандай даволашга муҳтож эмас!» Файласуф Мирзо Бедил таъбири билан айтганда, «Рух ва ақл қалъасини эгаллаш учун жисмоний тарбия билан шуғулланиб туриш лозимдир».

Россиялик машҳур кардиожаррох, академик Лео Бокерия шогирдларининг: «Биз эрталаб ва кечқурун пиёда ишга бориб келсак, шунинг ўзи жисмоний машқнинг ўрнини қоплайдими?», деган саволига «Йўқ, ишга шошиб борасиз ва уйга шошиб қайтасиз, бунда инсон онги иштирок этмайди», деб жавоб берган. Онгли машқлар ва ҳаракатлар орқали кўп кишилар бедаво дардлардан бутун-

# КАСАЛЛИКЛАР НЕГА ЁШАРЯПТИ?

лай халос бўлганига мисоллар кўп.

Бирорта дори жисмоний тарбия ўрнини босолмайди. Авиация двигателлари соҳасида йирик мутахассис-конструктор, россиялик академик Александр Микулин 50 ёшида юрак инфарктига чалинади. Шунда у ҳаётининг санокли кунлари қолганини билади. Жаҳонга машҳур «МИГ» ва «ТУ» сингари замонавий самолётларни ҳавога кўтара оладиган двигателлар ясаган ва уларнинг хизмат қилиш муддатларини кашф этган олим ўз танасидаги «двигатель» (юрак)нинг хизмат қилиш муддатини чўзиш ҳақида ўйламаганидан афсусланади. Узоқ умр кўрганлар тажрибасидан келиб чиқиб, юрак 50 йилда ўз фаолият муддатини тугатмаслиги керак, деган хулосага келади. Ҳали касалхонадалигидаёқ инсон қон айланиш тизими ва юракнинг ишлаш механизмини

ўрганишга қарор қилади.

Микулин соғломлаштириш ҳаракатининг биринчи ташаббускорларидан бири бўлган. У муҳим соғломлаштирувчи тадбир сифатида пиёда юриш ва югуришнинг эволюцион моҳиятини очишга ҳаракат қилади. Ҳаракатлар ичида пиёда сайр қилиш, сакраш, югуриш ва отда юришнинг соғлиқ учун фойдали эканини таъкидлайди.

Александр Микулин инфарктдан кейин ҳам 40 йил умр кўриб, 90 ёшида оламдан ўтган. Инсон фаол ҳаракат қилиб турмаса, юксак меҳнат фаолиятига эга бўлиши мумкин эмас. Ҳаракат фаоллиги кунига 8-10 километрни ташкил қилиши лозим. Кам ҳаракатлилик семириб кетишга, қонда холестерин миқдорининг ошишига, бўғимларда туз моддалари чўкишига ва умрнинг қисқаришига олиб келади. Юқумли бўлмаган касаллик-



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-коднинг сканер қилинг.

ларнинг олдини олишда тамакидан воз кечиш, спиртли ичимликларни ичмаслик ва беморнинг иштироки талаб қилинади. Беморнинг ўзи шифокорга ёрдам бериши керак. Умрининг охиригача ўзидаги бор куч-қувват билан соғлом ҳаёт тарзига амал қилиб яшагандагина ҳар қандай касалликни енгиш мумкин.

Ўқтам НУРУЛЛАЕВ,  
Самарқанд ҳарбий  
госпитали инфекционисти,  
олий тоифали шифокор

## МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Наманган тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жамоаси ҳайдовчиликнинг «В», «С», «ВС» тоифасига ўқишни истовчиларни кутмоқда.

Карантин шароитида ўқиш мумкинми? Албатта! Малакали мутахассислар назарий машғулотларни масофадан туриб (онлайн) амалга оширади. Амалий машғулотлар эса қатъий гигиена қоидаларига асосланиб, олиб борилади.



Манзил: Наманган тумани, Тошбулоқ қўрғони,  
ЎСТК ўқув биноси.

Мурожаат учун телефон: 99-517-23-80.

Хизматлар лицензияланган.



# HAMYON YO'QOTGAN SAVDOGAR

Bir savdogar Ka'batullo ziyoratiga borishga jazm qildi. Binobarin, yo'l xarajati va tijorat uchun biroz mablag', yana uch ming dinorli bir gavharni ham qo'shib hamyonga tugib, beliga bog'lab, yo'lga tushdi. Yo'lida nafs taqozosi bilan tahorat qilmoq uchun to'xtadi. Belidagi hamyonni yechib yerga qo'ydi. Hojatdan forig' bo'lgach, hamyonni o'sha yerda unutib qoldirib, yo'lga ravona bo'ldi. Biroz yurgach, hamyon esiga tushib orqasiga qaytdi. Ammo hamyonni qoldirgan joyida topmadi. Biroq boshqa mol-mulki borligi tufayli haj yo'lidan qaytmadi va yo'qolgan mablag'ga uncha achinmadi. Nihoyat, haj rusumlarini ado qilib, o'z Vataniga qaytdi. Turli-tuman mashaqqatlarga duchor bo'la boshladi. Chunonchi, qayerga tijorat uchun bormasin, o'z ziyoniga hal bo'lar va qaysi tarafga maqsad o'qin otmasin, baribir xatoga ketardi. Oz muddat ichida mol-mulkidan ajraldi. Avvalgi boylikdan hech narsa qolmadi. Do'st-dushman oldida izza va sharmanda bo'lishdan qo'riqib, Vatani va maskani bilan vidolashib, xotinini o'ziga hamroh qilib tunda shahardan chiqib ketdi. Savdogar xotini bilan ketib borarkan, na aniq bir maqsadi va na aniq boradigan joyi bor edi. Mana shunday gumrohlik bilan manzil va marohillarni bosib, nihoyat bir qishloqqa kirib bordilar. Qishloqda xarob va vayrona saroy bor edi.

Savdogar o'sha saroyga joylashdi. Qish fasli edi, binobarin, sovuqning shiddatidan yorug' jahonning barcha kushoyishlar eshigi baxillar qo'ldek yopiq edi. Savdogarning xotini homilador edi, shu kecha, ittifoqo, to'lg'oq tuta boshladi. Saroyda

na chiroq va na issiqroq joy bor edi. Savdogar o'z-o'ziga derdi: «Hozir hasrat va nadomatning vaqti emas, biror chora ko'rmoq darkor». Savdogar ana shunday xayol va andishada turganda xotini dedi: «Chiroq yoqib mening uchun biror joy hozirlab meni joylashtirsangizchi, axir».

Savdogar hikoya qiladi: Mening yonimda yarim dinor kumush pulim bor edi. Darhol o'rnimdan turib, qorong'ida baqqolning do'koniga bordim. Ko'p yalinib-yolvorib o'z holimni unga bayon qilganimdan so'ng do'kon eshigini ochdi va biroz shakar bilan yog' berdi. Men yog' bilan shakarni kosaga solib keltirdim. Yo'l juda ham loy edi. Men ming xil hiyla bilan avaylab kelardim. Banogoh oyog'im toshga tegib, qoqilib yiqildim. Kosa sinib, shakar bilan yog' yerga to'kildi. Nazarimda, go'yo qiyomat qoyim bo'ldi, bo'g'zimdan faryod alangasi beixtiyor ko'kka tutashdi. Ovozim boricha yig'lay boshladim. Zero, o'z qadru qiymatimga yig'lardim. Shu payt nariroqdan bir kishining ovozi eshitdim:

– Ey shayx, senga nima bo'ldiki yarim kechada faryod chekib, odamlarga uyqu bermaysan?

– Hozir xotinimni to'lg'oq tutib, azobda yotibdi. Yonimda yarim dirham pulim bor edi. Shunga bir oz shakar bilan yog' olib kelmoqda edim. Yiqilib tushdim va kosa sinib, yog' bilan shakar yerga to'kildi.

– Bu iztiroblarning hammasi faqat yarim dirham uchunmi?

– Ey xoja, hech qachon ta'na va afsus qilmaginkim, Yaratguvchi o'z bandalarining ahvolini o'zgartiruvchisi

hamdir. Bir vaqtlar mening ham katta sarmoyam va hisobsiz mol-mulkim bor edi. O'shanda men bir hamyon yo'qotgan edim. Hamyonda kattagina mablag', shu jumladan uch ming dinorga teng keladigan javohir bor edi. Ammo u vaqtda yo'qolgan hamyon uchun hech g'am yemagan edim va iztirob ham chekmagan edim. Biroq hozir mening qo'lmda shu yarim dirhamdan boshqa hech narsa qolmagan. Bu ham talaf bo'ldi. Endi menda boshqa naqdina mol qolmadi. Shuning uchun iztirob chekib, faryod qilmoqdaman.

– Beri kel, hamyoning sifatlarini ayt!

– Ey xoja, afsuslanishning bahridan kech va bechora mazlumlar holiga kulma!

– Bu so'zni ta'na yuzasidan aytayotganim yo'q. Hamyonni qachon va qayerda yo'qotganingni bayon qil!

Men unga o'z qissamni boshdan oxirigacha bayon qildim. U kishi meni o'z oldiga chaqirib, dedi: «Menga ma'lum bo'ldiki, sen taqdir taqozosi bilan xo'rlangan va bunday mashaqqatlarga duchor bo'lgan kishi ekansan. Xotining qayerda?» Men manzilgohni ko'rsatdim. U kishi o'z xizmatkorlaridan bir nechasini yuborib, bizni o'z saroyiga ko'chirib keldi va o'z haramidagi xotinlardan bir nechasini xotinimni parvarish qilishga buyurdi. Ertasi kun menga dedi:

– Alhol, muayyan biror maqsading yo'qqa o'xshaydi. Agar shu yerda tursang va mening yonimda bo'lsang, men senga sarmoya beray, toki tijorat ishini davom ettirgin. Tijorattan qo'lingga biroz davlat kirmog'i

muqarrardur.

Men rozilik bildirdim. U kishi menga uch yuz dinor berdi. Men bu pul bilan tijorat ishini yo'lga qo'ydim. Oz kunda uch yuz dinor besh yuz dinorga yetdi. Men besh yuz dinorni u kishining oldiga qo'ydim. Ul kishi menga qarab: «Endi senga davlat keldi, qo'lingga sarmoya kirdi va qashshoqlik mashaqqatidan qutulding. Agar o'sha yo'qotgan hamyoningni ko'rsang, taniysanmi?» dedi. Men, «albatta taniyman», deb javob berdim. U kishi hamyonni olib chiqib, mening oldimga qo'yib, dedi: «Hamyon seniki ekanligini o'sha kunioyog' bilgan edim, binobarin o'sha soatda hamyonni senga bermoqchi ham bo'ldim. Biroq seni nihoyatda qashshoq ahvolda ko'rib, o'ylanib qoldim. Agar shu ahvolda hamyonni bersam, hamyonni ehtiyojga qarab sarflashga nafsing qanoat qilmasdi. Binobarin, senga o'z sarmoyamdan uch yuz dinor berdim, toki ko'zing to'yib, qo'ling o'rgangay. Mana endi hamyoningni o'z tasarrufigga olsang bo'ladi...»

Men hamyonning og'zini ochib, u odamning oldiga qo'ydim va: «Qancha xohlasang shunchasini ol!» dedim.


U kishi: «Ey xoja, necha yildirkim, men bu hamyon muhofazasida edim. Mana bugun Xudoning irodasi bilan men bu kulfatdan xalos bo'ldim va haqni o'z egasiga topshirdim», deb oldim.

Men uning haqqiga duo qildim. Davlat va iqbol yana mening istiqbolimga chiqib, mashaqqatdan rohatga yetkazdi.

«Hikmatlar xazinasi»  
kitabidan olindi.


## Matematika olami

Giometrik shakllar nomini ayting



## O'YLA, YLLA, TOP!

12 ta farqni toping



Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

## БУ ҚИЗИҚ!

Дунёда илк цивилизация даврлариданоқ солиқ муносабатлари шакллана бошлаган. Илк солиқ йиғими жорий этилиш тарихи миллоддан аввалги учинчи минг йилликда қадимги Мисрда пайдо бўлган. Ўрта асрларда Европада мерос, эгалик ва харид учун янги солиқ турлари амалга киритила бошланади. Бу солиқлардан олинадиган тушум асосан уруш даврларида мудофаа учун зарур бўлган.

## СОЛИҚЛАР ТАРИХИ



даромад солиғи ғояси вужудга кела бошлайди.

Одамлар дастлаб даромад солиғи тўлашдан бош тортишади. Улар ўзлари топган даромаднинг маълум қисмини давлатга ўтказиш шахс эркинлигига таҳдид деб ҳисоблашган. Шу туфайли Буюк Британияда даромад солиғи доимий равишда жорий этилиши учун 1842 йилга қадар вақт ўтади.

## АҚШ солиқ тизими

АҚШда даромад солиғини жорий этиш фуқаролар уруши (1861 йил)



## Марказий Осиёдаги солиқлар

Форс ҳукмдори Доро I даврида илк бор доимий тартибдаги солиқлар жорий қилинган.

Кейинчалик Александр Македонский Марказий Осиёни босиб олгач эса ерлик аҳоли солиқларни юнонлар тамойили бўйича тўлай бошлаган, яъни даромад солиғи ва эҳсонлардан иборат бўлган. Даромад солиғи даромаднинг ўндан ёки йигирмадан бири миқдорда ундирилган, сабаб сифатида эса жамоат манфаатларини химоя қилиш мақсади кўрсатилган.

651 йилдан бошлаб, Марказий Осиё ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу даврда солиққа тортиш тизими мураккаблашган.

Масалан, закот мол-мулкнинг 2,5 фоиз миқдорда олинадиган солиқ бўлиб, камбағаллар, етимлар ва йўловчиларга хайр-эҳсон бериш мақсадида ундирилган. Ер учун хирож солиғи олинган. Жузьяни мусулмон бўлмаган фуқаролар тўлаганлар. Хотин-қизлар, кексалар, камбағаллар ва қўллар бу солиқни тўлашдан озод қилинган. Чорвадорлар, хунармандлар ва савдогарлардан ҳам солиқлар олинган.

## Солиқ борасида

## Амир Темур ислохотлари

Амир Темур солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари «Темур тузуқлари»да ифодаланган: «Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки,

раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади».

Амир Темургача бўлган даврда солиқ йиғувчиларнинг иш ҳақи солиқ тўловчилар ҳисобидан бўлган. Шунинг учун улар қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ундиришга ҳам ҳаракат қилар эдилар. Амир Темур солиқ ундирувчиларга халқнинг устига юк бўлмаслиги учун уларга маош тайинлайди.

Амир Темур даврида асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган хирож ва ушр солиқлари амал қилган. Савдогарлар ва хунармандлар тамға ёки закот тўлашган, чегарадан ўтган моллар ҳисобидан бож олинган. Бу солиқлар давлат хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган.

## Замонавий солиқ асосчиси

Европа давлатларида ҳам солиқ ундиришнинг ўзига хос тарихи бор. Масалан, Англияда қирол Жон томонидан 1203 йилда жунга экспорт солиғи жорий этилган. 1275 йилда эса қирол Эдуард вино солиғини жорий этади. 1572 йилда Англияда камбағалларни қўллаб-қувватлаш мақсадида камбағаллик солиғи ҳам амалга киритилди.

1707 йил 1 май кuni Буюк Британия ташкил топгач, Англия ва Уэлсда 1696 йилда юзага келган пул дефицити муаммосини бартараф этиш учун

тарихи билан боғланади. Авраам Линкольн АҚШ тарихида биринчи бўлиб, 1861 йил 5 августда шахсларнинг давлатга даромад солиғи тўлашлари лозим экани тўғрисидаги қонунга имзо чекади. Солиқлар тушуми уруш ҳаракатларини қўллашга йўналтирилиши кўзда тутилган эди.

1894 йилда эса Конгресс томонидан федерал даромад солиғи жорий қилинади. Бироқ бир йилдан сўнг АҚШ Конституцион суди уни қонунларга зид деб топган. Сабаби федерал даромад солиғини тўлаш тартибида ҳар бир штатнинг аҳолиси сони алоҳида тартибда ҳисоблаб чиқилмаган эди.

Кейинчалик эса Конгресс томонидан 1909 йилда Конституцияга 16-ўзгартириш киритилади. Бу ўзгартириш штат аҳолисининг сонидан қатъи назар, ҳар бир одамнинг шахсий даромадларини солиққа тортишга имкон берган.

Ўзгариш 1913 йилга келибгина етарли сонли штатлар томонидан ратификация қилинган ва ҳозирга қадар америкаликлар ўз даромадларидан давлатга солиқ тўлаб келишади.

АҚШ солиқ тизими прогрессив тизимга асосланган: яъни қанча кўп даромад олинса, солиқ ставкаси ҳам шунча баландроқ бўлади. Солиқ тўловчилар баъзида солиқ юкини камайтириш учун турли имтиёзлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ҳозирда АҚШда солиқ тушумларининг қарийб ярмини жисмоний шахслар тўлаётган даромад солиғи ташкил қилади.

## С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.

## БИР ЧИМДИМ

Кўпчилик одамларнинг муваффақиятсизликка дучор бўлишининг сабаби шундаки, улар ҳал қилувчи лаҳза етиб келганини ҳеч қачон англамайдилар.

Эрик ФРОММ

## БИЛАСИЗМИ?

Энг вазни оғир ҳайвон бу – фил. Лекин кўпчилик отларнинг вазни ҳам баъзи пайтда филларники билан баробар бўлади, дейишади. Шундай бўлиши мумкинми?

## БИЛАСИЗМИ?

Бу ташкилот 1923 йил Венада ташкил этилган. Бугунги кунда 160 га яқин давлатлар аъзо бўлган ушбу ташкилотга Иоганн Шобер деган ҳарбий хизматчи асос солган. Бу қайси ташкилот?

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

«Ватанпарвар» анкетаси: жиддий саволларга жиддий жавоблар

## VATANPARVAR

## Муассис:

Бош муҳаррир:  
майор АХРОР ОЧИЛОВ

## Навбатчи:

катта лейтенант  
Азиз НОРҚУЛОВ

## Саҳифаловчилар:

лейтенант  
Рамиз ВАЛИЕВ

III даражали сержант  
Олим БЕРДИЕВ

## Мусахҳиллар:

Сайёра МЕЛИКҲУЗИЕВА  
Мастура ҚУРБОНОВА  
Муаттар МЕЛИЕВА

## Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50  
бухгалтерия: (71) 260-35-20  
юридик бўлим: (71) 269-88-91  
факс: (71) 260-32-29

## ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-762.

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 32 660 нусха.

Босишга топшириш вақти: 14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета пайшанба кuni чиқади.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.

Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 1-уй.



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИ